Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ✦ 27 апрель 1973 йил, жума ✦ № 99 (15.573). ● Баҳоси 2 тийин.

Тинчлик, демократия ва социализм кучларининг таянчи улуғ Ватанимиз—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи мустаҳкамлансин ва гуллаб-яшнайверсин!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1973 йил 26 апрелда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми очилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВнинг «Партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг халқаро фаолияти тўғрисида»ги докладини тинглади.

Доклад юзасидан музокараларда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. ПОДГОРНИЙ, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. РОМАНОВ, М. В. Фрунзе номли Москва ипгазлама фабрикасининг тўқувчиси М. С. ИВАННИКОВА, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. АЛИЕВ, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. КОСИГИН, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари Я. П. РЯБОВ ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирмоқда.

ДОНҒИ КЕТГАН САРКАРДА

Москва жамоатчилиги 25 апрелда гражданлар уруши қаҳрамони, Совет Қуролли Кучларининг актив ва атоқли қурувчиларидан бири, уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали С. М. Будённий туғилган кунининг 90 йиллигини нишонлади. Кекса большевиклар, гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари, пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари, жангчилар, юбилярнинг жанговар сафдошлари М. В. Фрунзе номли Совет Армияси марказий уйининг Қизил Байроқ орденли залига тўпланишди.

Революцион ва жанговар шуҳрат билан қопланган биринчи отлиқ армия байроқларини саҳнага олиб чиқадилар. С. М. Будённий ана шу отлиқ армияга қўмондонлик қилган эди.

СССР мудофаа министрининг ўринбосари, Совет Иттифоқи Маршали К. С. Москаленкога сўз берилади. У Будённийни зўр самимият билан халқ қаҳрамони ва йирик ҳарбий бошлиқ деб таърифлади. Нотиқ Семён Михайловичнинг қаҳрамонлиги ва ҳарбий талантига В. И. Ленин юксак баҳо берганлигини айтди.

Кечада юбиляр номига олинган табриклар ўқиб берилди.

Юбилярнинг кеча қатнашчиларига йўллаган табрикномаси ўқиб берилади. С. М. Будённий самимий табрик сўзлари учун, ўз фаолиятига юксак баҳо берганликлари учун Марказий Комитетга, жонажон Коммунистик партияга, Совет ҳукуматига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қилди.

(ТАСС мухбири).

ПАРВАРИШ БОШЛАНДИ

Коммунист Кубай ака Эшназаров ёшларга ўрнак бўларли катта ишга қўл урди. Ташаббускор деҳқон 58 гектар майдонга эрта ба, ҳордаёқ маккажўхори экишга киришган эди. Онла аъзолари билан бир бригадага биринкан К. Эшназаров бошлиқ маккажўхорикорлар уч кун ичида экишни сифатли ўтказдилар. Орадан санкки кун ўтгач кўм-кўк ниҳоллар ер юзини қоплади.

Ондарё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг К. Эшназаров бошлиқ бригада аъзолари республика маккажўхорикорларининг даъватига жавобан кўпгина етиштириш мажбуриятини олишган. Далаларда маккажўхори ниҳоллари барқ уриб ўсмоқда. Университет Аҳад Исмоилов «дала маликаси» қатор оралариии меҳр билан юмшатмоқда. Собира Эргашева, Ҳусанжон Эшназаровлар ниҳолларни бегона ўтлардан тозалашда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

С. ХУЖАЕВ, «Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

ЧЎПОН ОРЗУЛАРИ

Ун олти йилдан буён бош чўпон бўлиб ишлайман. Деҳқонобод яйловларини ёв кезиб чиқдим. Қиш ва ёз фаслларида кўп қийинчиликларни бошдан кечирдим. Лекин ҳаммасини ҳалол меҳнат билан енгдим. Чўпонлик — шарафли касб. Енгил саноатга қоракўл тери, жун, кўнбоп тери, аҳолига гўшт, сут, ёғ ва бошқа маҳсулотларни кўпроқ етказиб бериш бизнинг зиммамизга юклатилган. Чўпонлик туфайли эл-юртга танилдик, ҳурмат қозондик. Партия ва ҳукуматимиз чорвадорларнинг меҳнатини юксак қадрлаяпти. Бундан руҳланиб, янги марралар сари интилмоқдамиз.

Мен куни-кеча **қўйлар сонини туёқ боши ҳисобига кўпайтириш беш йиллик планини икки ярим йилда бажариб, ғалаба рапортига имзо чекдим.** Беш йилликда отарим бўйича 2.606 бош қўзи олишим керак эди. Амалда 3.410 бош қўзи олдим. Устиришга кўзда тутилган 982 бош ўрнига 1.433 бош қўзи қолдирдим, уруғочи қўзи қолдириш топширигини 113 процент адо этдим. Шуниси диққатга сазоворки, ўтган икки ярим йилда отарим бўйича салкам 2 минг дона юқори сорт қоракўл тери тайёрлаб, бу соҳадаги топшириқни ҳам анча ошириб бажардим.

Касбимиз қўйчивонлик, чорва маҳсулотлари тайёрлаш планларини ўринлашимиз шарт. Бироқ ишда сон бор, сифат бор, бу масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Ҳар дона қоракўл тери, ҳар центнер гўшт ёки жун қандай меҳнат эвазига бунёдга келтириляпти, бундан хўжалик, қолаверса, чорвадорлар қандай иқтисодий манфаат кўради? Келгусида қўйчиликни ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, иссиқ бинолар қуриш истиқбол режалари қандай? Белгиланган топшириқларни миқдор жиҳатдан бажарсак-у, сифат кутилганча бўлмаса, иқтисодий фойда олиш қийин. Буни унутмаслигимиз керак. Ҳозир чўпон-чўliқларимиз билимли, ҳисобдон бўлиб қолдилар. Шу сабабли иш жараёнида кирим-чиқим сметаларининг ижросини мунтазам текшириб боришлари лозим.

Қўйчиликни ривожлантиришда жуда кўп омиллар бор. Шулардан бири — яйловлардир.

ҚЎЙЛАР БОҚИМИ — МАҲСУЛОТ ОҚИМИ

✦ ✦

Чорвадорларда яйлов хазина, чўпон унинг эгаси, деган гап бор. Яйловлардан йилнинг тўрт фаслида ҳам унумли фойдаланишимиз керак. Мен отаримдаги қўйларни йилнинг тўрт фаслида ҳам иложи борича яйловларда боқаман. Фақат қиш фаслидагина қўйхоналарда асрайман. Шунга яраша ем-хашак тайёрлайман, концентратни қишлов жойига келтириб қўяман. Бу йил баҳор яхши келди, ўт сероб бўлди. Фурсатдан фойдаланиб, **бир йилда икки йиллик план миқдорида хашак тайёрлашга аҳд қилдим.**

Қўйлар тақдирини ҳал қилувчи манбалардан бири сувдир. Сўнгги йилларда бу муаммо деярли ҳал қилинди. Лекин ҳамон қиладиган ишларимиз кўп. Қиш фаслида сув музлаб қолиб қийналамиз, қўйларни вақтида сугора олмаймиз. Ваҳолонки, совлиқлар қорнидаги қўзилар қиш фаслида шаклланади. Ўшандай кезда сувдан қолдирилса қўзилар нимжон бўлиб қолади. Бундан чиқадиган хулоса шуки, сугориш иншоотларини қозирдан шай ҳолатга келтирмогимиз, ҳар қандай об-ҳаво шароитига мослаштирмогимиз лозим.

Қўйхоналар қуриш, оғир ишларни машиналаштириш, қишловни бечиқим ўтказиш, учун ҳамма чораларни кўриш зарурлиги ҳақида кўп гапиряпмиз. Лекин ёз ойларига боргандз қишдаги қийинчиликларни унутиб қўяпмиз, бу билан ўзимизни ўзимиз алдаяпмиз. Ҳар бир хўжаликда туёқ сонини кўпайтириш планлари тузилган. Бу йил совлиқлардан айниқса кўп эгиз қўзи олинди ва ўстиришга ҳар қачонгидан кўп қўзи қолдирилди. Шундай экан, иссиқ чорва бинолари қуриш, оғир ишларни машиналаштириш ишларини ҳозирдан кучайтириб юбормогимиз лозим. Қурилиш ташкилотлари шартномада белгиланган мажбуриятларини кеч кузга қадар чўзмасдан, тез фурсатда адо этишлари керак.

Чорвадорлар 1973 йилни чорвачилик йили деб аташяпти. Бу гапда жон бор. Давлатимизнинг ёрдами, халкимизнинг кўмаги билан партия ташкилотлари раҳбарлигида қишловни соз ва бечиқим ўтказдик, бу билан туёқ сонини ва маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга мустаҳкам замин яратдик. Масалан, мен отаримда **510 бош совлиқнинг ҳар 100 бошидан 231 тадан қўзи олдим, ҳар бош қўй ҳисобига биттадан кўзини ўстиришга қолдирдим,** уларнинг 70 ярим процити уруғочи қўзилардир. Шу рақамлардан кўриниб турибдики, келгуси йилларда отаримдаги қўйлар сонини икки-уч баравар кўпайтириш учун мустаҳкам замин яратилди. Эндиги муҳим вазифа — қўйлар ва қўзиларни тўла сақлаб қолиш, чиқимга чиқишига йўл қўймасликдан иборат. Бу, чўпон-чўliқларининг қўлидан келадиган ишдир.

Ўтган йили айрим отарлар, фермаларда жун тайёрлаш плани бажарилмади. Бунга қишнинг носоз келгани, баҳорда яйловларда ўт кам бўлгани рўкач қилинди. Бу йил ҳеч ким бундай баҳона кўрсата олмайди. Чунки об-ҳаво ва иқлим шароити, яйловлардаги ўт, иншоотлардаги сув қўйлардан ҳар қачонгидан кўп жун олиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Мен отаримдаги ҳар бош қўйдан 4 килограммдан жун оламан, бу соҳа бўйича белгиланган беш йиллик планни тўрт йилда бажараман.

Ҳозир чўпон-чўliқлар энг масъулиятли даврга кирдилар. Қўзилатиш мавсуми тамом бўлди, қоракўл тери тайёрлаш, қўзи олиш ва ўстиришга сақлаб қолиш топшириқлари ортиги билан адо этилди. Эндиги вазифа — ана шу қўзиларни яйловларда боқиб, тез семиртиришдан, чиқимга чиқишига йўл қўймасликдан иборат. Ундан ташқари ёқин кунларда жун қирқимга бошланади. Бу мавсумни ҳам уюшқоқлик билан ўтказиш чўпон-чўliқлар, фермалар коллективларининг жонажон ишидир.

Мен чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиш учун бутунқуч-гайратимни сарф этаман.

Рашид ЖАББОРОВ,
Қашқадарё область, Деҳқонобод районидаги «Деҳқонобод» совхозининг бош чўпони.

Самарқанд ипак тўқув фабрикасида Май олди вахтасида ишлаётган илғор ишчилар кўплаб топилади. Улардан бири Муҳаррам Содиқова. Илғор тўқувчи айни кунларда ҳал қилувчи учинчи йилнинг иккинчи ярми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Суратда: М. Содиқова.

В. Сироткин фотоси.

ҚЎЙЛАР КЎПАЯДИ

ЗОМИН, («Совет Ўзбекистони» мухбири). Райондаги «Қизил чорвадор» совхозида қўзилатиш мавсуми намунали якунланмоқда. Бу ерда сурувларни тўлдиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Совхозда совлиқларнинг ҳар 100 бошидан 124 тадан қўзи олиниб, пландаги 8200 ўрнига 8800 бош қўзи ўстиришга қолдирилди.

С. НУРОВ.

ЎЗБЕК ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон» нашриёти марксизм-ленинизм асослари мактаблари учун сиёсий иқтисод дарслигини кўп нусха чоп этди. Бу дарслик Москвада сиёсий адабиёт нашриёти томонидан босиб чиқарилган китобнинг учинчи нашридан ўзбек тилига таржима қилинди.

(ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИ ВА ШОЛИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида дон учун маккажўхори ва шоли экишнинг бориши тўғрисида шу йил 26 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — **ДОН УЧУН ЭКИЛГАН МАККАЖЎХОРИ** майдони (гектар ҳисобида); учинчи стун — **ТОПШИРИҚҚА НИСБАТАН ПРОЦЕНТ ҲИСОБИДА**; тўртинчи стун — шоли экилган майдон (гектар ҳисобида); бешинчи стун — бажарилиш процента:

Сирдарё	6666	83,3	—	—
Тошкент	7758	77,6	1356	13,3
Бухоро	5562	74,2	—	—
Сурхондарё	5155	73,6	1723	61,3
Фарғона	5696	71,2	253	13,5
Андижон	5073	63,4	802	29,7
Самарқанд	4307	61,5	10	0,6
Қашқадарё	4110	58,7	—	—
Наманган	3722	53,2	595	18,4
Хоразм	1194	23,9	—	—
ҚҚ АССР	1500	22,4	51	0,2
Республика бўйича	50743	62,5	4790	6,7

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

МАЙ ОЙИ ҲИСОБИГА

19- Қарши қишлоқ қурилиш трестига қарашли Қамашн районидаги 3-механизациялашган кўчма колонна ғишт терувчилар бригадасининг бошлиғи Омон ТЕМИРОВ: механизациялашган кўчма колонамиз қурувчилари 412 минг сўмлик ўрнига 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, биринчи квартал планини ошириб бажарди.

Умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб меҳнат қилаётган кўчма колоннамиз коллективи қувончли галабани қўлга киритди. Коллектив зарбдор йилнинг биринчи кварталида пландан ташқари 188 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини ўддалади. Бир неча объектлар белгиланган муддатлардан илгари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эшболта Фармонов, Сафар Қурбонов, Жасим Сулаймонов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларнинг бинокорлари бу ғалабани қўлга киритишда катта ҳисса қўшишди. Пешқадам қурувчилар ҳозирги кунларда май ойи ҳисобига иш бажаришаётир.

ПИЛЛАКАШЛАР ҒАЛАБАСИ

Самарқанд пиллакашлик фабрикасининг ишчиси Ҳабиб УСМОНОВ: фабрикамизнинг мен билан бирга меҳнат қилаётган тўрт ишчиси тўққизинчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажаришди. 75 киши эса 1974 ва 1975 йил ҳисобига ишлаяпти.

Пиллакашлик фабрикасида меҳнат қилаётганимга 10 йилдан ошди. Корхонамизнинг барча цех ва участкаларидаги дастгоҳлар ва ускуналар типини пухта ўрганиб олганман. Илғор тўқувчилар ташаббуси кенг муҳокама қилинаётган бир пайтда мен ҳам ўз зиммамга оширилган мажбурият олдим. Шахсий беш йиллик топшириғимни 2,5 йилда уддалашга қарор қилдим. Корхона маъмуриятидан қўшимча яна битта дастгоҳ қўшиб беришларини илтимос қилдим. Сўзимни ерда қолдиришмади. Ҳамкасбларим Лўбат Маърупова, Тамара Попова, Люся Гарибян, Расул Саидовлар ҳам ўз зиммаларига ана шундай мажбуриятлар қабул қилишди.

Биз ўз аҳдимизнинг устидан чиқишга ҳаракат қилиб ишладик. Натижа ёмон бўлмади. Мен ўтган вақт мобайнида 1200 килограммдан зиёд хом ипак етказиб бердим. Пландаги 20 процент ўрнига 51,4 процент биринчи сорт маҳсулот топширдим. 52 килограммдан ортиқ қимматбаҳо хом ашё тежашга эришдим. Ҳозир 1976 йил ҳисобига иш бажаряпман. Мен билан бир қаторда оширилган мажбуриятлар олган тўрт ҳамкасбларим ҳам беш йиллик планларини ортиғи билан адо этдилар.

Корхонамизда пешқадамлар сафи тобора кенгайиб боряпти. Шу кунларда 75 киши 1974 ва 1975 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришяпти. Уларнинг номи фабрикадаги «Энг яхши ишчилар» ҳурмат тахтасига ёзиб қўйилган.

БИРИНЧИ МАЙ БАЙРАМИГА СОВҒА

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг ахборотида кўрсатишича, республика саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда унн реализация қилиш ва бир қанча энг муҳим буюмларни ишлаб чиқариш тўрт ойлик планнин 26 апрелда, муддатидан илгари бажардилар. Бу муваффақиятга Май олди социалистик мусобақасини кенг авж олдирнш натижасида, шунингдек, Ўзбекистон меҳнаткашларининг 21 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбаликда фаол иштирок этганликлари туфайли эришилди. (ЎзТАГ).

«КОСМОС-555» ПАРВОЗ ҚИЛЯПТИ

1973 йил 25 апрелда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-555» учирилди.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ЯНГИ ИЖОДИЙ ЮТУҚЛАР САРИ

Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг III пленуми ўз ишини тамомлади.

Советлар мамлакатининг шонли юбилейига багишланган асарлар Тошкент концерт залларида олти кун мобайнида янграб турди.

Ўзбекистон Композиторлар союзи правлениесининг раиси А. Ҳ. Жабборов якунловчи нутқи маклисда доклад қилди. Ижодий мунозарада юбилей йили якунлари чиқарилди, республика композиторларининг янги вазифалари муҳокама қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ЛЕКТОРЛАР БИЛИМ ОШИРМОҚДАЛАР

Партия комитетларининг экономика мавзуларида лекция ўқувчи лекторларининг республика семинари Тошкентда уч кун давом этди. Семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети чақирган эди.

Семинар қатнашчилари саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, фан ва техникани ривожлантириш, халқ хўжалигида иқтисодий ишларни такомиллаштириш актуал проблемаларига багишланган машғулотлар ўтказишди. Семинарда республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, етакчи олимлари лекция ўқишди.

Машғулотлардан бири Тошкент тўқимачилик комбинатида ўтказилди. Бу ерда лекторлар тўқимачиличи беш йиллик топшириқларини барвақт бажариш учун социалистик мусобақани тезкнл етиш практикаси билан танишишди. Улар комбинатнинг илғор тўқувчиси, кўп станокда ишлаш ҳаракатчиларининг ташаббускорчиси Лидия Казанцева ва Евгения Губина билан суҳбатлашишди, халқаро аҳвол тўғрисида, СССР билан бир қанча чет мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар тўғрисидаги лекциялар ҳам тингланди.

Партия комитетларининг лекторлари орттирилган тажрибаларни бир-бирлари билан баҳам кўришди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

Партиямиз кишилардаги янгиликни ҳис қилиш фазилатларини ҳамиша юксак қадрлаб келмоқда. Янгиликни ҳис этиш эса ривожланиш истиқболини кўриш, келгусига назар ташлаш, вужудга келаётган вазифаларни ҳал этишнинг энг тўғри йўлларини топиш демакдир. **Ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда жадал ва чуқур ўзгаришлар рўй бераётган ҳозирги пайтда бу фазилат, айниқса муҳим аҳамият касб этади,** деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXIV съездига Ҳисобот докладида.

Область партия комитети партия XXIV съезди қарорлари асосида партиявий раҳбарлик методларини мунтазам такомиллаштириб боришга, партия ҳаётида ленинча нормаларга қатъий риоя қилишга, партия сафларини янада жипслаштириш ва омма билан алоқаларни мустаҳкамлашга, коммунистларни ғоявий эътиқод руҳида тарбиялашга, уларнинг партия Программаси ва Устави талабларини бажариш учун масъулиятини оширишга ва бу ишда вужудга келаётган ҳар бир янгиликдан омилкорлик билан фойдаланишга эътиборни кучайтирмоқда.

Область партия ташкилотларида хўжаликка раҳбарликнинг услуб ва методлари тобора такомиллашиб ва самарали бўлиб бормоқда. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, уларга нисбатан талабчанликни ошириш, қарорлар ижросини назорат қилиб бориш ишлари муҳим вазифалар—маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, хўжаликни интенсив ривожлантириш, ишлаб чиқариш маданиятини янада оширишга бўйсундирилган.

Партия, совет, хўжалик раҳбар кадрларининг сифат составини тобора яхшилаш учун кўп ишлар қилинмоқда. Колхоз ва совхозлар бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг 90 процентидан кўпроғи, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг 80 проценти олий ва ўрта махсус маълумотга эга. Шунингдек, хўжалик раҳбарлари, бўлим бошқарувчилари, бригада бошлиқлари, қишлоқ маданият муассасалари, маиший хизмат корхоналари раҳбарларининг сифат состави анча яхшиланди.

Область партия комитети кадрлар билан ишлашнинг янада самаралироқ усул ва методларини излаб топмоқда. Бизда ҳар ойнинг учинчи душанба куни ўтказиладиган кенгашда область партия комитети бўлим мудирларидан бири тузиб чиққан қатъий график асосида корхона, қурилиш ёки колхоз ва совхозлар, турли муассаса ҳамда ташкилотларда ишлаётган кадрларнинг сифат состави тўғрисида ҳисоб бериб боради.

ИШДА ЯНГИЛИКНИ ҲИС ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Бу кенгашда, аввалги кенгашларда айтилган камчиликларни тузатиш учун қандай ишлар қилингани ҳақида ҳам ахборот берилади. Кенгашларда кадрларнинг сифат состави ҳақида бўлим мудирларининг ахборотларини тинглаб бориш, коллектив фикрини, таклиф ва мулоҳазасини эшитиш барча ўрта ва юқори звено раҳбар кадрларининг составини мунтазам яхшилаб бориш, хўжаликка партия раҳбарлигини янада такомиллаштириш имконини бермоқда.

Область партия комитети ҳамда район партия комитетларида кадрларнинг сифат состави аниқ қайд этилган статистика маълумотлари бор. Бу маълумотлар 1968 йилдан бери ҳар ойда янгилаб борилади. Район партия комитетларининг ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирлари ҳар ойда бир марта область партия комитетига келиб, кадрлар ҳақида ахборот бериб турадилар. маълумотларни taққослайдилар. Бу маълумотларда раҳбар кадрларнинг ўз устида қандай ишлаётгани, билим ва тажрибасини қандай ошириб бораётгани мунтазам қайд этиб борилмоқда.

Деҳқончилик маданияти йил сайин кўтарилиб бораётган, хўжаликнинг барча тармоқларига комплекс механизация изчиллик билан жорий қилинаётган ҳозирги кунларда айниқса пахтачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларида ишлаш учун кадрлар танлашга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Эндиги бригада бошлиғи ва ферма мудирлари ишлаб чиқариш ва экономикани чуқур биладиган ташкилотчи ва тарбиячи ролини ўтай оладиган, механизмлар «тил»ини яхши биладиган кишилар бўлмоғи лозим. Янгиқўрғон районидаги Алишер Навоий номли колхоз бош зоотехниги М. Шарипов чорвачилик фермаси мудирлигига тайинлангач, қисқа вақт ичида жамоат чорвачилиги кескин ривожланди. Колхозда ем-хашак бригадалари, сутчилик, қорамолчилик ва қўйчилик бригадалари бирлаштирилиб, чорвачилик комплекси вужудга келтирилди. Ҳозир бу комплекс 154 гектар, беда, 110 гектар маккажўхори ва 14 гектар арпа майдонига эга. Бир йилда бир ярим йилга етадиган миқдорда озуқа жамғарилди. Гўшт ва сут етиштириш кўпайди. Чорвачилик саноат асосида қайта ташкил қилинди.

Область партия комитети чорвачиликда комплекс механизацияни жорий қилишни ўзининг муҳим вазифаси деб билмоқда. Чуст районидаги Ё. Худойбердиев номли совхоз коллективининг шу соҳада бошлаган ташаббуси кенг ёйилди. Ҳозир ҳар бир хўжаликда чорвачиликни механизациялаш перспектив планлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ишбилармон, тажрибали зоотехниклар ферма мудири қилиб тайинлангандан сўнг Уйчи ва Янгиқўрғон районлари колхоз ва совхозларида чорвачилик тўла механизациялашди. Тўрақўрғон райони чорвадорлари келгуси йилда механизацияга тўла ўтишни мўлжалламоқдалар. Беш йилликнинг охирига бориб областдаги барча чорвачилик фермаларида қўлда бажариладиган иш қолмайди. Область партия комитети ферма мудирлари, зоотехникларнинг масъулиятини янада ошириш мақсадида уларни ўз номенклатурасига олди.

Мана, ишда янгиликни ҳис этиб, уни ишлаб чиқаришга изчиллик билан жорий қила боришнинг илк натижаси: агар Наманган области ташкил этилган 1967 йилда чорвачилик барча хўжаликларда норентабель ҳисобланган бўлса, 1973 йилга келиб ҳамма колхоз ва совхозлар бу соҳадан фақат фойда оладиган бўлиб қолишди. Область хўжаликлари ўтган йили чорвачиликдан 3 миллион 200 минг сўм соф фойда олдилар.

Вужудга келаётган янгиликлар ўз вақтида жорий қилинаётгани сабабли деҳқончилик маданиятини тинмай ошира бориш имкониятига эга бўлмоқдамиз. Алмашлаб экиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Пахтачиликни комплекс механизациялаш соҳасида катта бурилиш ясалди. Комплекс механизациялашган бригадалар сони ҳозир 404 тага етди. Уларнинг кўпчилигига коммунистлар бошчилик қилаётирлар. Коммунист—бригада бошлиқлари бошланғич партия ташкилотларида, колхоз раислари ва бош инженерлари район партия комитети бюросида вақти-вақти билан ҳисоб бериб туришибди.

Меҳнат коллективлари ҳаётида пайдо бўлаётган янгиликларни вақтида англаб олиш наби, ишда йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам ўз вақтида билиб олиш, ва уни бартараф этиш ҳам яхши фазилатдир. Область, район партия ташкилотлари деҳқончилик маданиятини ошириш, комплекс механизация ва алмашлаб экишни жорий қилишга халақит бераётган нуқсонларни вақтида тугатди. Айрим консерваторларнинг қилмишлари обком ва райком бюроларида муҳокама қилинди. Масалан, Учқўрғон район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи У. Абдуллаев алмашлаб экиш схемасини жорий қилишга эътиборсизлик билан қараган эди. Натижада районда бу иш анча кечикди. У. Абдуллаевнинг қилмиши обком бюросида муҳокама қилиниб, унга партиявий жазо берилди. Алмашлаб экишда содир бўлган камчиликларни тугатиш вазифаси бошқарма бошлиғининг ўзига топширилди. У Абдуллаев танқиддан тегишли хулоса чиқариб олди. Наманган районидаги Раҳматов номли колхоз раиси Ф. Ғаниев, Калинин номли колхоз раиси Каримов, Чуст районидаги «Партия XXII съезди» совхозининг директори Мамадалиев ҳам алмашлаб экиш, пахтачиликни комплекс механизациялашга юзаки қараганликлари учун жиддий огоҳлантирилди.

Область ва район партия комитетлари меҳнат коллективлари, ишлаб чиқариш илғорлари, партия ва касаба союз активларининг пахтачиликни комплекс механизациялаш, хўжаликни интенсив ривожлантириш, чорвачиликни саноат асосида ташкил этиш тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларини, таклифларини чуқур ўрганмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларида муҳим масалаларни партия йиғилиши кун тартибига киритишдан аввал уни партия группалари муҳокамасига қўйиш тажрибаси қўлланилмоқда. Бу эса ўз навбатида партия йиғилишларида коммунистларнинг актив иштирокини таъминлаш, уларнинг муҳокама қилинаётган масалага доир таклиф ва мулоҳазалар билан чиқишларига сабаб бўляпти.

«Коммунистларнинг ва умуман жамиятимиз ҳамма онгли гражданларининг буюк устунлиги шундан иборатки, — деб айтган эди ўртоқ Л. И. Брежнев «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йилиги тўғрисида» қилган докладида, **улар ижтимоий ривожланиш моҳияти ва йўналишини яхши тушунадилар, мамлакатимиз ўз олдига қўйган мақсадларни ва биз бораётган йўлларни равшан кўриб турибдилар».** Ҳар доим партиявий раҳбарликнинг янада самаралироқ методларини излаб топиш, омма ўртасида ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларни кучайтириш, коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг актив ташаббускорлигини, янгиликни ҳис эта билиш қобилиятини ривожлантириш—асосий вазифаларимиздан биридир.

В. КУКСЕНКО,
Наманган область партия комитетининг иккинчи секретари.

ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШЛАРИДА

АМУДАРЁНИНГ ЯНГИ КАМАРИ

РЕПОРТАЖ

Қурилиш майдони мардлар майдонига айланган. Шижоаткорлик билан бунёдкорлар сўнгги ишларни амалга оширишмоқда. 150 самосвал машиналари, 10 дан ортиқ экскаватор ва бульдозерлар тинимсиз уч сменада ишламоқда. Ҳар ким ўз иши билан банд. Раҳбарларни кабинетдан топиш амри маҳол. Ҳамма-қурилиш объектида... Котлован оралаб бораётганимизда барваста кишига дуч келдик. «Тахиаташгидроэнергострой» бошқармасининг бошлиғи Борис Серафимович Личагин шу киши экан. Танишдик.

— Қурувчилар бажараётган ишларнинг сифатини кўздан кечиряпмиз, — деди у вазмин оҳангда, — Ноёб гидротехника иншоотининг лойиҳаси «Средазгипроводхлопок» институти томонидан ишлаб чиқилган. Иншоот қурилиши ниҳоясига етиб қолди.

Биз баланд кўприк устига кўтарилдик. Дарёнинг тўсиладиган ва қайтиб эски ўзанига қўшиладиган ерлари кўзга яққол ташланди. Қурилишда мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан келган уч мингдан ортиқ бинокор иштирок этмоқда. Кўприкнинг ўртасидан транспорт йўли ўтади, унинг ёнидан темир йўл излари ётқизилган.

Тахиатош гидроузели тўғони кўприк вазифасини ўташ билан бирга, сув оқимини изга солиб туриш мақсадлари учун ҳам мослаштирилган. Дарёнинг қуйи оқимида кема қатновини ва балиқ овлашни йўлга қўйиш имкониятлари мавжуд. Йирик иншоот ёнида сунъий кўл барпо этиш ишлари ҳам тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Гидроузел бунёдкорлари учун замонавий микрорайон қуриб берилди. Ҳамма қулайликларга эга бўлган уйларда гидроиншоотчиларнинг оилалари истиқомат қилмоқда. Қурилишнинг мустаҳкам саноат базаси барпо этилганлиги яхши самаралар берди. Темир-бетон буюмлари ва конструкциялар ишлаб чиқарадиган йирик завод, асфальт-бетон заводи, автобаза сингари ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлари қурилишни кенг кўламда олиб боришга катта ёрдам кўрсатди. Электр таъминоти ва алоқа участкалари, сабзавот сақлаш омбори, 40 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган холодильник, тўққизта ошхона, 17 магазин ва турли маданий-маиший бинолар қурувчилар хизматида бўлди.

Гидроузелнинг ишга туширилаётган комплекс бўйича 63,5 миллион сўм капитал маблағ ўзлаштирилди, шу жумладан 65 миллион 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. 15,1 миллион куб метр тупроқ, 304 минг куб метр бетон ва темир-бетон ишлари удлаланди. 49 минг куб метр йиғма темир-бетон, кўплаб металл конструкциялари монтаж қилинди. Шунингдек, кўпгина бошқа ишлар амалга оширилди.

Амударё обҳаёт манбаи. Унинг суви етиб борган ерлар боғи-бўстонга, пахтазор ва шолизорларга айланади. Барча қардош республикалардан келган қурувчи йигит-қизлар ана шу эзгу ният йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлашди. Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон республикалари қурилишни ускуналар ва металл конструкциялари билан, Ўзбекистоннинг кўпгина саноат корхоналари цемент ва бошқа зарур қурилиш материаллари билан таъминлаб турди. Ўнлаб шаҳар ва районлардан қурилишга бульдозерлар, экскаваторлар, автомашина, кўтарма кранлар ва бошқа механизмлар етказиб берилди.

Иншоот сув тиндириладиган жойлар, айланма каналлар, балиқ ўтказиш қурилмаси, бош регулятор, бош каналларга сув тақсимловчи қурилмаларга, кемаларни ўтказадиган шлюзга эга. Гидроузель тўла ишга тушгандан кейин каналлардаги сув икки баравардан кўп ортади, суғориладиган ерлар кенгаяди. Суғориладиган ерлар 1975 йилда 353 минг гектарни ташкил этса, 1980 йилга келиб 643 минг гектарга етади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда яқин келажакда Қорақалпоғистон АССР 600-650 минг тоннагача пахта ва 300-350 минг тоннагача шоли етиштириб берадиган бўлади.

Гидроузел бунёдкорлари биринчи навбат қурилишини муваффақиятли равишда адо этишди, — дейди қурилиш партия комитетининг секретари Сайилхон Орицбоев. — Эндиги вазифа унинг иккинчи ва учинчи навбат қурилишларини тезлаштиришдан иборат. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, шунингдек республика партия ва ҳукумати гидроузел қурилишини тезлатишга катта амалий ёрдам кўрсатиб келдилар.

Қурилиш ҳурмат тахтасидан муносиб ўрин олган кранчи Анна Грибаченко, дурадгор Нурлибой Жакипов, бетончилардан Раимбой Сеитмуратов, Назима Раҳматиллаева, бульдозерчи Павел Шабанов, темирчи Николай Мартиненко, монтажчи Леонид Гаркуша, шофёрлардан Қурбонбой Абдалов, Худоёр Қурбонниёзов, Ниёз Марсиявовлар, инженер-техник ходимлардан Анатолий Сокол, Омонгелди Нургалиев, Аркадий Ким, Отаулла Асанов сингари юзлаб фидокорлар ғайрат ва жасорат кўрсатиб ишлашди.

Гидроузелнинг биринчи навбатини муддатидан илгари ниҳоясига етказаётган ва қолган навбатлар қурилишини жадал суръатлар билан олиб бораётган толмас қурувчилар ҳозир бутун имкониятларини ишга солмоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
Т. УНАБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

СУРАТЛАРДА: (юқоридан) Тахиатош гидроузелининг кўриниши. Илғор бетончи Норгул Ҳамроева ва пайвандчилар бригадасининг бошлиғи Уринғали Кенебоев. Бу илғорлар ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам ошириб бажариш билан ҳаммага ўрнак бўлишмоқда.

Р. Сандов фотолари.

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАСИНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

ОЙДИН ЙЎЛ

«ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисида қонунларининг Асослари» лойиҳаси «Известия Советов трудящихся СССР», «Учительская газета» ва республика газеталарида жамоатчиликнинг муҳокамаси учун босиб чиқарилди.

«Инсоният тарихида биринчи бўлиб, — дейилади қонун Асослари лойиҳасининг кириш қисмида, — бизнинг мамлакатимизда СССР гражданларига ўрта, шунингдек, олий таълим олишнинг реал имкониятини таъминлаб берувчи халқ маорифининг чинакам демократик системаси вужудга келтирилди».

Мухбиримиз республика маориф министридан халқ маорифи тўғрисида қонун Асослари лойиҳасини шарҳлаб беришни илтимос қилди.

С. ШЕРМУҲАМЕДОВ — Ўзбекистон ССР маориф министри:

Советлар элида маорифга чиндан ҳам умумхалқ, умумдавлат, умумпартия иши сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам бизда маориф халқ маорифи ҳисобланади. Совет мактабининг эшигини кўп миллионлаб ёшлар учун улуғ Ленин очиб берган. Жонажон Коммунистик партиямиз ва Совет давлатимиз ўзининг амалий фаолиятида халқ маорифига тинимсиз, ҳар доим жуда катта ва ленинча ғамхўрлик қилиб келди, келмоқда. Бунинг ёрқин далили ва рад этиб бўлмайдиган исботи биринчи галда КПССнинг тарихий XXIV съезди қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг халқ маорифини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорлари ҳисобланади.

КПСС XXIV съезди Директиваларида ёзиб қўйилганидек, тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси халқнинг моддий ва маданий даражасини анча юксалишини таъминлашдан иборат. Ана шу асосий вазифани рўёбга чиқаришнинг муҳим шартларидан бири — меҳнаткашларнинг билим ва малака даражасини изчиллик билан ошириш, ёшларнинг умумий ўрта таълимга ўтиш ишларини поёнига етказишдир.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда халқ маорифи умумхалқ ва давлат ишига айланган. Буни «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисида қонунларининг Асослари» лойиҳасининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилишидан ҳам кўриш мумкин. Шубҳасиз, бу ҳужжат совет халқ маорифи тарихига ёрқин саҳифа бўлиб киради.

Қонун Асослари лойиҳасида таъкидланганидек, СССРда халқ маорифининг мақсади коммунистик жамиятнинг марксизм-ленинизм ғояларида ҳамда совет қонунларини ва социалистик ҳуқуқ тартибини ҳурматлаш руҳида тарбияланган, хўжалик ва социал-маданий қурилишнинг турли соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилишга лаёқатли бўлган, хуллас, ҳар томонлама камол топган, жисмоний соғлом ва актив қурувчиларини тайёрлашдан иборатдир.

Кўриниб турибдики, бу ҳужжатнинг аҳамияти ғоят улкан. Бу афзалликларни биз мавжуд қонунларнинг барча асосий актларининг системага солиниб, умумлаштирилганида, партия ва халқимизнинг маориф соҳасида эришган ютуқларининг акс этишида, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашида янада ёрқинроқ кўрамиз.

Айни чоғда қонун Асослари лойиҳасида халқ маорифи органларининг, маориф системасидаги барча ўқув-тарбия муассасалари коллективларининг энг муҳим принциплар ва нормалари, асосий йўли ва вазифалари очиқ ойдин кўрсатиб ўтилган. Умум таълим мактабларида ўқув-тарбия ишларини янада такомиллаштиришда қонун Асослари лойиҳасидаги мазмунга бой моддалар муҳим роль ўйнайди. Жумладан, 10- моддада «Таълим-тарбия масалаларига раҳбарликни ўрта умумий таълим мактабининг ҳунар-техника, ўрта махсус ўқув юртининг директори, олий ўқув юртининг ректори амалга оширади, улар ўз ишларида педагоглар коллективига ва жамоат ташкилотларига таянадилар» деб алоҳида таъкидланиши халқ маорифини янада ривожлантиришнинг имкониятлари ниҳоятда кенглигидан далолат беради.

Қонун Асослари лойиҳасида ўқувчиларга чуқур ва мустаҳкам билим беришни таъминлаш, ёшларда марксча-ленинча дунёқарашни, коммунистик ғоявийликни, фаол меҳнат ва ижтимоий фаолиятга интилишни, социалистик она-Ватанга чексиз садоқат билан хизмат қилишни янада изчиллик билан шакллантириб ва тарбиялаб бориш муҳим вазифа қилиб қўйилганки, республикамиз маорифчилари ҳам бу ишончни сидқидилдан бажаришга тайёрдирлар.

Қонун Асослари лойиҳасида педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, университетлар ва педагогика олий ўқув юртлари қошидаги ўқитувчилар малакасини ошириш факультетлари (бўлимлари) ташкил этиш ҳамда малака ошириш институтларини янада мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор берилган.

Шуни айтиш керакки, республика Маориф министрлиги ва уларнинг жойлардаги органлари мактабларни ўқитувчи кадрлар билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Ўқитувчилардан тўғри фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Маориф министрлиги, область, шаҳар ва район халқ маорифи бўлимлари ҳузурида махсус комиссиялар тузилди. Биргина мисол: 1972—1973 ўқув йилида мактабларда барча фанлар бўйича дарс берадиган ўқитувчи кадрлар бўлиши учун самарали иш олиб борилди. Бу биринчи навбатда республиканинг ўзида ҳамда қардош республикалар ўқув юртларида тайёрланган ёш ўқитувчилар ҳисобига, иккинчидан, мавжуд кадрлардан оқилона фойдаланиш ҳисобига, яъни ўқитувчилар билан яхши таъминланган мактаблардан муаллимларни у ёки бу фан ўқитувчиларига кўпроқ зарурат туғилган мактабларга кўчириш ҳисобига амалга оширилди.

Республика Маориф министрлиги қошидаги махсус комиссия мактабларни ўқитувчилар билан қанчалик таъминланганлигини ҳар бир область, шаҳар ва район бўйича синчиклаб қараб чиқди ҳамда ёш кадрларни тақсимлаш чоғида уларга кўпроқ эҳтиёж сезган жойларга юборишга алоҳида эътибор берди. Кўрилган бу тадбирлар ижобий натижалар берди. Шу кеча-кундузда республикамиз халқ маорифчилари сафида 13 мингдан зиёд ёш мутахассис самарали иш олиб бормоқда. Улар орасида РСФСР ва Украина ССР олий ўқув юртларини битириб келган кўплаб ёшлар ҳам бор.

Қисқаси, «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқ маорифи тўғрисида қонунларининг Асослари» лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши катта аҳамиятга эга. Энг муҳими, қонун Асослари лойиҳаси халқ маорифининг истиқболи янада порлоқ эканлигидан далолат беради. Бу партия ва ҳукуматимизнинг халқ маорифи тўғрисида тинмай кўрсатиб келаётган ғамхўрлигининг ёрқин далилидир.

Биз аминмизки, кўп минг сонли республикамиз маорифчилари кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун Асослари лойиҳасини қўллаб-қувватлайдилар ва ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазаларини билдирадилар.

ТОШЛОҚ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ТОШЛОҚ. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Фарғона областида янги Тошлоқ райони ташкил этилганлиги ҳақида илгари матбуотда хабар берилган эди. Бу ерда яқинда район партия комитетининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани қараб чиқди. Пленум райкомнинг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб А. М. Маҳмудовни сайлади. А. Г. Хайриддинов, Г. М. Возорова ўртоқлар райком секретарлари ва бюро аъзолари қилиб сайландилар.

Пленумда райкомнинг биринчи секретари ўртоқ А. М. Маҳмудов партия XXIV съезди қарорлари асосида район меҳнаткашлари олдида турган вазифалар ҳақида доклад қилди.

Пленум ишида область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ф. Ш. Шамсуддинов қатнашди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ШЎРЧИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 17 март сонида босилган «Ачинмайсизми?» сарлавҳали фотоайбнома райком бюросида муҳокама қилинди. Келтирилган минерал ўғитларни ўз вақтида ташиб олиш ва уни яхши сақлаш чораларини кўрмаганлиги учун «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси Оқберганов огоҳлантирилди. Бирлашма бошқарувчисининг савдо бўйича ўринбосари Ҳафизовага эса виговор эълон қилинди.

Минерал ўғитларни ташиб олиш ва уни сақлаш соҳасидаги камчиликларга барҳам бериш, бундан кейин ана шу каби нуқсонларнинг такрорланишига йўл қўймаслик тадбирлари белгиланди.

БУХОРО РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

«Хотиржамлик кайфияти» сарлавҳали танқидий мақола («Совет Ўзбекистони» газетасининг 1973 йил 4 март сонидан босилган) район партия комитети бюросининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди. Унда келтирилган фактлар тўғри деб эътироф этилди. «Ленинград», Карл Маркс номли, «Пахтакор» ва бошқа колхозларнинг раҳбарларидан бу соҳадаги камчиликларга барҳам бериш ва сабзавотчиликни ривожлантириш масаласи билан яқиндан шуғулланиш талаб этилди. Район хўжаликларида сабзавот етиштиришни кўпайтиришга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди.

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ:

Редакция орқали олинган хат юзасидан текшириш ўтказилди. Кўрсатилган фактлар тасдиқланди. Ҳақиқатан Учқўрғон районидаги Тегирмонбоши, Катта Улмас, Кайни, Яшчик, Чўжа ва Пахтақишлоқ алоқа бўлимларининг ходимлари пенсионерларга тегишли пулни ғўлаш вақтида уларга мажбуран конверт ва маркалар сотиб келганлар.

Текшириш натижаси Учқўрғон район ижроия комитетининг мажлисида муҳокама қилинди. Айбдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўрилди. Район алоқа узелининг бошлиғи Қосимов эса қаттиқ огоҳлантирилди.

Барча алоқа бўлимларининг ходимларидан пенсия ва нафақа пулларини эгаларига ўз вақтида етказиб бериш, конверт ва маркаларни мажбурий равишда эмас, балки хоҳловчиларга сотиш талаб қилинди.

ПАСТДАРҒОМ РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

Меҳнаткашлар редакцияга ёзган хатда Ильич номли совхоз территориясидаги 87-мактаб биноси авария ҳолатига келиб қолганлиги тўғри кўрсатилган. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти бу йил мактаб учун янги бино қуриш шу мақсадда 20 минг сўм пул ажратиш, қурилишни 70 процент материаллар билан таъминлашга қарор қилдилар. Район халқ маорифи бўлими эса мактаб биноси қурилиши учун 2000 сўм пул ва етишмаган қурилиш материалларини беради, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашда кўмаклашади.

ҒУЗОР РАЙОН ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

Текшириш ўтказилганида «Партия XXII съезди» колхозидаги йўллар бузилиб, яроқсиз ҳолга келганлиги маълум бўлди. Колхоз аъзоларининг редакцияга йўллаган хатида хўжалик раҳбарлари йўлларни ремонт қилишни пайсалга солиб келмоқдалар, деб тўғри айтилган.

Колхоз правлениеси 1973 йилда 16 километр йўлни ремонт қилиб, асфальтлашни планлаштирди ва бу ишни бажариш ҳақида район йўл қурилиш бошқармаси билан шартнома тузди. Йўлни ремонт қилиш ва асфальтлаш яқинда бошланади. Район ижроия комитети Гулшан қишлоқ Советига ишнинг бориши устидан контроллик қилишни топширди.

Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати—тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсати, империализмга, реакция ва урушга қарши курашаётган барча кучларни жипслаштириш сиёсати! КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программаси ғоялари тантана қилаверсин!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ҲАЁТБАХШ ИЖОД

Ҳамид ҒУЛОМ.

Истеъдодли ўзбек адибларидан бири, коммунист ёзувчи Суннатулла Анорбоев 50 ёшга тўлди.

С. Анорбоевнинг ижодий йўли тиниб-тинчимайдиган журналист ва йилдан-йилга янги мавзулар қўриғини дадил оча борган захматкаш ёзувчининг йўлидир.

Унинг болалик ва ўсмирлик йиллари Наманганда ўтди. Жийдакапа қишлоғидаги интернатда тарбияланди. Наманган педагогика техникумида ўқиди, олий маълумотни олишни эса Фарғона педагогика институтида бошлаб Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида тамомлади.

С. Анорбоев 1942 йилда Совет Армияси сафига чақирилди. Фронтда бўлди. Польшани озод қилиш жангларида қатнашди. Урушдан кейин эса армия сафидан бўшаб Тошкентга қайтиб келди ва бу ерда ижодий иш бошлади.

Ёш журналистнинг илк хабар, мақола ва очерклари 1949 йилдан бошлаб газета ва журнал саҳифаларида кўрина бошлади. Унинг биринчи ҳикоялар тўплами 1957 йилда нашр этилди.

Мана, қарийб 20 йилдирки, адиб тинмай ижод қилади. Замондошлар ҳақида, айниқса, қишлоқ кишилари, ёшлари ҳақида очерк ва ҳикоялар ёзади, изланади, ёзувчилик маҳоратини тинмай чархлайди.

С. Анорбоев бир қанча йирик насрий асарларнинг ҳам муаллифидир. Унинг дастлабки қиссаси «Оқсой шалолалари» ёш адибни ўз тенгдош ёзувчи дўстлари орасида дафъатан кўзга яқин қилиб қўйди, китобхонлар эътибори унга тортилди. Бу қисса рус тилида ҳам босилиб чиқди. Адиб асари устидаги ижодий меҳнатни давом эттириб, қисса уфқини кенгайтириб, уни романга айлантирди.

С. Анорбоев сўзи ўткир, синчков адиб. У ҳаётни, одамлар турмушини, жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни,кишиларнинг турли характерларини таҳлил қила билади, кураш ва меҳнат лавҳалари, қаҳрамонларнинг портретларини чизишда ўзига хос жилолар, бўёқлар топа билади.

Адибнинг ижоди халқ ҳаётига яқин. У мавзуларни иш, ижод қайнаб турган манбалардан олади, қаҳрамонларини халқнинг курашчан, илғор кишиларидан танлайди. Унинг асарларида қишлоқ аҳлларидан бутун бир галереясини кўрамиз. Айниқса, яйлов манзаралари, тоғлиқ қишлоқлар ҳаёти, чорвадорларнинг машаққатли ва шарафли меҳнати шавқ-завқ билан рангин тасвирланади.

С. Анорбоевнинг қиссанавислигимизга қўшган ҳиссаси салмоқлидир. Унинг «Меҳр» номли қиссаси ҳақида жамоатчилик анчагина ижобий фикр билдирди. Бу қиссада яратилган Мунаввар образи Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида синфий курашга ва ижтимоий ҳаётга дадил кириб келган ўзбек хотин-қизларининг ибратли тимсолидир.

Яқиндагина С. Анорбоевнинг «Умр» номли янги қиссаси босилиб чиқди. Бу асарда Тўлаган исмли кекса бир кишининг образи яратилган. У Норин дарёси бўйидаги колхозда боғбон бўлиб ишлайди, қизини Тошкентда ўқитади. Аммо унинг қизи ўзидан ёши анча катта домласига турмушга чиқади ва оилада анчагина машаққатларни бошидан кечиради. Қизини йўқлаб шаҳарга келган Тўлаган чол ҳаётнинг баланд-пастларини кексайган чоғида тағин бир бор кўради, ўз турмуш тажрибаси билан қизига кўмаклашади. Хуллас, ёзувчи ўз қаҳрамонини турли табақа кишилари билан тўқнаштириб, уларнинг мураккаб характерларини таҳлил қилади, турли авлодлар ҳаёт тажрибаси мисолида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифасини адо этади.

Бадиий очерк совет адабиётининг жанговар жанридир. Бизнинг етук очеркнависларимиз ўз асарларида коммунистик қурилишнинг муҳим вазифаларини кўтариб чиқмоқдалар, замондошларимизнинг ёрқин образларини яратмоқдалар. С. Анорбоевнинг пахтакорлар, чорвадорлар, бинокорлар, зиёлилар ҳақида ёзган қатор бадиий очеркларида совет воқелиги ҳаққоний тасвирланади, ҳаётимизнинг муҳим масалалари ўртага қўйилади.

С. Анорбоевнинг яна бир фазилати шундаки, у болалар ҳаётини чуқур билади, улар ҳақида ҳикоялар, қиссалар ёзади. Унинг бу жанрдаги насрий асарлари ёш китобхонларга мансурдир.

С. Анорбоев сабоқли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ижодда камолга етди. Истеъдодли адибга узоқ умр, улкан ижодий парвозлар тилаймиз!

ОЛТИН ҚОЗИҚ

Суннатулла АНОРБОЕВ.

Суннатулла Анорбоев ўз юбилейи арафасида янги қисса ёзиб тугаллади. «Олтин қозиқ» деб номланган бу асарда олижаноб мақсадли замондошларимизнинг юксак инсоний қиёфалари тараннум этилади. Айни пайтда орамизда ҳамон яшаб келаётган айрим мешчан табиатли кимсаларнинг образи чизилади.

Қуйида шу асардан парча ўқийсиз.

✦ ✦



Кун ботиш олдида Таваккал палатага Ғуломқодирни бошлаб кириб келди. Қўлида тўр тўр ичида қоғоз халта. Улар билан хонага спирт ҳиди ҳам кириб келди.

— Домла Ҳасаний кўп принципли одамсиз-да, унамадингиз. Мана бундай ош бўлди! — деди Таваккал бош бармоғини кўрсатиб.

— Думба ёғда, — дея қўшимча қилди Ғуломқодир тишини гугурт чўп билан кавлаб туриб.

«Тавба, — деб қўйди Ҳасаний, — ўзининг икки юзи карт думбадай лорсиллаб, қорни бўлса тирсиллаб турибди-ку, яна нуқул ёғлиқ овқатдан гапиради».

— Узр, — у кроватига ўтираётиб одоб юзасидан кулимсиради. — Невараларим келишлари керак эди.

— Келишганга ўхшайди? — деди Таваккал стол устида дастурхонга ўроғлиқ турган кастрюлга ҳамда қоғоз халтага боқиб. — Бизнинг ҳамкасабалар ҳам келишади.

Зуннун Ҳасаний бош ирғади-да, ўрнидан туриб, қоғоз халтадаги олма-анорларни стол устидаги тарелкага олиб сола бошлади.

— Аммо лекин домла, сиз бўлмадингиз. Паловхон тўрани сопол товоққа шундай босган эканман денг, агар қора қўчқор устидан сакраса борми, думбаси бемалол тегиб ўтарди! — Ғуломқодир палатани бошига кўтариб ҳа-ҳолади. Таваккал ҳам қўшила кулди. Ҳасаний кастрюлнинг оғзини оча туриб жилмайди.

— Олинглар. Иссиққина турган экан.

— Э-ҳа, устида қатиғи-ю, мурчи билан! — деди Таваккал кастрюлга тевалаб қараб. — Бугун нуқул маишат экан-да.

Зуннун Ҳасаний стол устида чойнакни олиб, эшикка қараб юрди.

— Мен ҳозир чой дамлаб келаман. Сизлар бемалол олаверинглар.

— Совуқ чой турганда иссиқ чойга нима ҳожат? — дея йўлини тўсди Таваккал.

— Қани бўлмаса чучварадан олинглар, — Зуннун Ҳасаний серқатиқ битта чучварани меҳмонларининг кўнгли учун олиб оғзига солди.

Таваккал ҳали қўлида кўтариб кирган қоғоз халта ичидан битта яримталикни олиб, иккита стакан-у битта пиёлага тенг бўлиб қуйди.

— Чучвара арақ билан йиғлашиб кўришади-да, — деб қўйди у бўш шишани шкафга яшираётиб.

Ҳасаний одамгарчилик қиламан деб, хатога йўл қўйганини кеч пайқади: ахир аъзои-баданини спирт ялаб кетган бу одамлар учун ичкиликни янгидан бошлашга бирор баҳона-ю, сабаб кераклигини билмасмиди!

— Домла! — деди Ғуломқодир стаканни қўлига олиб. Унинг сергўшт бурнининг учи томирлари ўйнаб, моматалоқ бўлиб кетган эди. Таваккал акамиз, ўзлари айтиб қолдилар, сизнинг шогирдингиз эканлар. Аммо, лекин яхши шогирд тарбиялаб етиштиргансиз, дунё тургунча туринг...

Ҳасаний Таваккалнинг: «Унинчи синфни битириш кечаси умрида биринчи бор сиз билан уриштириб ичганман», деган гапини эслаб, аламли илжайди. Унинг юрагига ғалати бир ваҳима оралади: чиндан ҳам, Таваккал ичишга ўшанда ўрганган бўлса-чи? Демак, демак...

— Мана кўриб турибсиз-ку, ўзлари биз билан тенгдош, ҳатто ёшроқ бўлсалар ҳам ака деймиз. Негаки, кўп марта бизга акалик қилганлар. Бошқаларга ҳам. Дўст учун жонларини фидо қилиб юборадилар. Зўр йигит, ҳа! Лекин биз ҳам у кишининг яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймиз...

— Ғуломқодир, бу оламда кишидан фақат яхшилик қолади. Бошқа ҳеч нарса!

Зуннун Ҳасаний қовоғини солди. Яхшилик! Қандай яхшилик?! Кимларга?! Анави ошпаз билан олиб-сотарга ўхшаганларгами? Кимнинг ҳисобига яхшилик қилмоқчисиз? Жамият, халқ ҳисобигами? Унинг тилининг учида ғиридан-бири аччиқроқ саволлар қалашиб, тошиб, ташқарига отилиб чиқишга йўл қидирарди.

— Келинг домла, мана шундай ўғил бола шогирдингиз Таваккалжон учун ичайлик.

— Ичолмайман, узр, — деди Ҳасаний ғазабини зўрға босиб.

Таваккал ҳо-ҳолаб кулди. Қўлидаги стакан чайқалар, ичидаги лиммо-лим арақ столга тўкилар, у бўлса силкиниб-силкиниб куларди. Ахири ўзи ҳам пайқаб қолди шекилли, стаканни қўйди.

— Ғуломқодир, — деди нимадандир завқ қилганидан бошини силтаб қўйиб. — Чекка бир қишлоққа вакил келибди. Ўзингизга маълум, вакил бўлгандан кейин зиёфат қилиш керак. Бутун колхоз активлари кечқурун раисникига тўпланишибди. Вакилнинг ҳурматини бажо келтириб коса тутишса, «ичмайман», депти. Ҳа, бу ичмас эканда деб, ўзлари еб-ичиб, маишат қилаверишибди. Бир вақт ҳалиги вакил четга қараб: «Ичмайман деса ич демасмикан, олақол деб зўрламасмикан, унда ҳам бўлмаса ётқизиб оғзига қуймасмикан» деб тўнғиллаяптган эмиш.

Ғуломқодирга Таваккалнинг бу латифаси ёқиб тушди. Кулгидан ўзини босолмай.

— Домла... домла... ёки сизни ҳам ўша вакилдай... — дея Ҳасанийни қучоқларди.

— Энди ичасиз, гриппга қарши энг яхши дори. Бўлмаса, ўша вакилдай... — дея Таваккал ёлғондакам пўписа қилиб, пиёлани Ҳасанийнинг тепасига олиб келди.

Ҳасанийга уларнинг бу қилиқлари ёқмади. У Таваккалнинг қўлидан пиёлани олиб, секин юриб борди-да, умивалникка қуйди.

Ўз шаънига кўтарилган қадаҳнинг тўкиб ташланиши Таваккалнинг иззат-нафсига тегмай қолмади, албатта. У чимирилиб папирос тутатишга тушди.

— Сизларга ҳам маслаҳатим, қўйинглар шу... палакатни.

— Ана энди кексаларга хос насиҳатлар бошланди, — деди Таваккал киноя билан лабини буриб. — Ёш бола эмасмиз, биламиз!!

— Ҳа, энди насиҳат бефойда. Ёш бола бўлсаларинг экан бошқа гап... — Ҳасаний кроватида ўтириб ерга қараганча аста бош чайқади. У афсус-надомат билан чуқур уҳ тортди.

Таваккал бўзариб кетди. У Ғуломқодирга қараб, олинг, дегандай имо қилди. Хафагазак сукунат чўккан хонада қадаҳларнинг жиринглаши-ю, томоқларнинг қилтиллашигина эшитилди.

«Ўпқон», дея шипширди Ҳасаний юзини кафти билан тўсарқан ижирғаниб ва дафъатан кўзига даҳшатли ўпқон кўриниб кетди. Унинг оғзида ҳимоясиз бир кимса гирдикапалак бўлиб айланарди... У бошини кўтарганида Ғуломқодир йўқ, столга тирсакларини тираб, фақат Таваккалгина ўтирарди.

— Ҳи, домла Ҳасаний, қарашларингиз бошқача? Мен тирикман. Жаназамни ўқишга шошилманг ҳали! — Таваккал мастона кўзларини сузиб қўл силтади.

«Билар экан, — деб қўйди ичида Ҳасаний Таваккалга ачингандай боқиб. Боши берк кўчага кириб қолганини ўзи ҳам сезар экан. Ичкиликка ҳужум қилиши шу ваҳимани бир оз бўлса-да, унутиш, юрагига далда бериш учундир? Бироқ бу чора эмаску? — Ҳасаний ўтган йили уйининг уёқ-буёғини суваб, бўяб берган усталарни эслади. Уста Содиқ эди биттасининг номи, арзимаган ишни икки киши сал кам бир ойча чўзишди. Ҳар куни қилган ишлари устидан пул олишади. Олишади-ю, шу заҳоти ичишади. Эрталаб башаралари ғижимланган ифлос қоғоздай бўлиб, қўллари қалтираб, кўзларини лўқ қилиб келишади. Яна пул сўрашади. Булар учун бутун олам ичкиликка айланганда ҳам қонмасликларини у яхши билади. Бу алкоголлар жамият баданидаги чипқон эканлигини ўшанда биринчи бор ҳис этиб, даҳшатга тушди. Улар ичкилик учун ҳеч нарсадан қайтишмайди, ҳатто... ҳатто... Хўш, Таваккалнинг уста Содиқдан нима фарқи бор? Деярли йўқ. Фақат... — Зуннун Ҳасаний столга энгашиб, олдидаги кўпқиррали стаканга тикилганча папирос тутатаётган Таваккалга ер остидан қараб қўйди. Ҳали ҳозирча у анави чўлоқ оёғи ҳисобига орттирган эски обрўси — Ватан уруши иштирокчиси деган шавкатли ном соясида яшаб юрибди. Бир идорадан иккинчисига секингина ўтказишади, баландроқ поғонадан пастроғига туширишади, ҳарқалай сийлашади. Уста Содиқдан унинг яна бир фарқи, ўзи айтмоқчи қўлидан келган яхшиликни аямай орттирган таниш-билишлари, ёрлари бор. Ҳалиги Ғуломқодир, Иноғомхўжа, Абдиазим бойбувага ўхшаганлар. Ўшаларнинг орқасида маишат қилади. Ейди-ичади. Шифохонанинг камтарона овқатини ейди. — Бунга қаноат қилмай четдан келган халта-хулта, тоғора-тоғора совға-саломларни улфатлар билан баҳам кўради. Эртанги кунни эса саҳаргесдан «олтин қозиқ»қа ўтириб ичини сурдириш, ювдиришдан бошлайди. Топган-билганлари овқат, ичкилик-маишат. Ҳолбуки, ўзи бу ерда ёғ босган юрагини даволатиш, осилиб кетган қорнини бироз пасайтириш учун келган! Яна қандай фарқ бор? — Зуннун Ҳасаний Таваккал томонга ўгринча кўз қирини ташлади. — Уста Содиқ ҳам, бу ҳам фақат ўз нафси учун яшаб юрган одамлар. Бундан бошқа мақсадлари бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам унинг хотини ўн тўртга кирган қизи билан қочиб кетган. Бунинг хотинлари ҳам... Бу эмас, улар буни ташлашган. Нега? Йўқ, унинг ҳамтовоқларини бемақсад яшамоқдалар деб бўлмайди. Уларнинг ҳаётдан кузатган ўз мақсадлари бор. Масалан, ошпаз Ҳаким қора ўз шефи билан талашиб-тортишиб бўлса-да, оқ кўнгил хўрандалардан уриб қолган беш сўм-ўн сўмини қўлидан чиқармаса. Тарозибон Иноғомхўжа эса бозорга савдо-сотиқ билан келганларга кўпроқ тарози тарқатса-ю, улардан ортиқча пул тўпласа. Иложи бўлса бутун шаҳар, ҳатто мамлакат бозорларидаги тош-тарозиларга ҳам хўжайин бўлиб олса, дўкондор эса шоҳи-атласга ўхшаган бозори чаққон саноат молларини яширинча чайқаса-ю, мингига минг қўшила «колса... Абдиазим бойбуванинг мақсади ўз-ўзидан маълум. Бунингчи? Бунинг югуриб ётган жойи ҳозирча олтин қозиқ!

Зуннун Ҳасанийнинг садаф тишлари шиқирлаб кетди. Шунда ички, инсофга чорловчи бир товуш қулоғига шивирлагандай бўлди: тажанглик ҳам эви билан-да, чол. Қара, рўпарангда сенинг катта ўғлингнинг ўртоғи, ўз қўлингда ўқиган ўқувчинг ўтирибди. Бир вақтлар у сенинг боланг билан елкама-елка туриб, Ватанни босқинчилардан ҳимоя қилган — улуғ мақсад йўлида курашган! Хўш, имони бўшлик қилиб, нафс йўлига кирибди. Наҳотки қайтаришнинг иложи бўлмаса? Ўпқонга тушибди, деб қараб тураверишинг керакми?

Зуннун Ҳасаний олдидаги стаканни аста айлантириб, унга тикилганча папирос тутатаётган Таваккалга зимдан қаради-ю, юраги ачишиб кетди. Гўё унинг ўрнида ўз ўғлини кўргандай бўлди. Ўрнидан аста турди. Тепасига бориб елкасига қўл ташлади.

— Таваккалжон, — деди оталик меҳри товлаб.— Сиз билган олтин қозиқдан бошқа яна битта ҳақиқий олтин қозиқ бор. У — улкан мақсад. Кишининг бутун фаолияти, фикри-ёди, ҳатти-ҳаракати шу улкан мақсадга қаратилган бўлиши, гўё олтин қозиққа олтин иплар билан боғланган бўлиши керак. Сизга насиҳатим шуки...

Таваккал «олинг қўлингизни» дегандай елкасини учириб Ҳасанийнинг сўзини бўлди.

— Сизнинг насиҳатингизни тинглайдиган ўқувчилик ёшидан аллақачон ўтганман, домла Ҳасаний... Лекин сиз меҳмондўстликни жуда бопладингиз, — дея заҳарханда қилди. — Ҳеч улфат кўрганмисиз, ўзингиз?!

Зуннун Ҳасанийни гўё биров кўкрагидан итариб ташлагандай бўлди. Вужуди музлаб кетди. Бир-икки қадам кетига тисарилди-ю, юрагини чангаллаганча кроватга ўтириб қолди.

— Ҳайф! Ҳайф, сизга! — деди лаблари гезариб.

Таваккал сапчиб ўрнидан турди. Ёғоч оёғи ғазабнок ғижирлади. Ўқдай отилишга тайёр турган сўзлари оғзида қолди. Унинг кўз ўнгида Ҳасаний ранги девордай оқариб, кроватига йиқилди.

Таваккал бир дам турган жойида қаққайиб туриб қолди. Бу лаҳзалик қўрқувни енгиб ўзига-ўзи:

— Майли, у ёмонлик қилса ҳам мен яхшилик қилай, — деди-да, навбатчи врачни чақиргани кетди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЯНГИЛИКЛАР · ХАБАРЛАР · ВОҚЕАЛАР

КАТТА СИЁСИЙ ВОҚЕА

БОНН, 25 апрель. (ТАСС). Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг расмий вакили Грюневальд бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан Германия Федератив Республикасининг Федерал канцлери В. Брандтнинг яқинда ўтказиладиган учрашувлари ва олиб борадиган музокаралари Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикасининг «раҳбар сиёсий арбоблари ўртасида юксак доирадаги учрашув» бўлади, деди.

Ҳукумат вакили айтдики, Л. И. Брежневнинг визити «Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатларда янги босқич очади». Совет Иттифоқидан шундай олий меҳмон Германия Федератив Республикасига биринчи марта келаётир.

Л. И. Брежнев, деди ҳукумат вакили, Москва ва Варшава Шартномаларини тузиш натижасида бошланган «шарқ сиёсатини» давом эттириш доирасида Федерал канцлер В. Брандт билан музокаралар олиб бормоқ учун бизнинг мамлакатимизга келаётир. Энди гап шу сиёсатнинг иккинчи босқичини амалга ошириш — «бутун шартномалар комплексига сиёсий ҳаёт бериш» тўғрисида бораётир, деди Грюневальд.

В. Брандт билан Л. И. Брежневнинг музокаралари учун, деди ҳукумат вакили, икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришгина мавзу бўлиб қолмасдан, шу билан бирга кўпгина халқаро масалалар, шу жумладан хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб чақириладиган Умумевропа кенгаши ҳам мавзу бўлади, деб ўйлайман.

Бу музокаралар катта аҳамиятга эга бўлади, деди Ғарбий Германия ҳукуматининг вакили.

НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

БЕРЛИН, 25 апрель. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар институти ва Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ҳузуридаги Карл Маркс номли олий партия мактаби бу ерда икки кунлик назарий конференция ўтказди.

Ривожланган социалистик жамиятда ишчилар синфининг маданий савиясини ошириш масалаларига бағишланган бу конференция ишида Германия Демократик Республикасидаги маданият арбоблари, партия ва касаба союз ходимлари, меҳнаткашларнинг вакиллари, шунингдек чет эллардан келган меҳмонлар қатнашди.

АМЕРИКАДА ТАБИИЙ ОФАТЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Американинг Миссисипи, Техас ва Арканзас деган уч штатида қаттиқ довул бўлиб, жуда кўп нуқси кўтарилди. 45 киши, шу жумладан 39 нафар ўқувчи яраланди. Миссисипи штатидаги Самнер шаҳри яқинида бошланғич мактаб биносини қаттиқ шамол бузиб юборганлиги натижасида кўп болалар шикастланган.

Бир қанча аҳоли пунктларида уйларнинг томини довул учириб кетди, электр линияларини узиб юборди, бир неча автомобилни ағдариб ташлади.

КАРАКАС. Венесуэланинг шимолий районларида яна катта табиий офат рўй берди. Қурғоқчилик узоқ давом қилиб, экинларга катта зарар етказди ва чорва молларнинг кўпи озуқасиз қолиб ҳалок бўлди. Шундан сўнг сел ёға бошлади. Дарёлар тошиб, кўпгина аҳоли пунктларини сув босди. Тошқин сув йўлларни бузиб, кўприкларни оқизиб кетди. Баркисимето, Маракай, Валера ва бошқа шаҳарлар билан алоқа узилиб қолди.

Сув тошқини натижасида Каракаснинг баъзи кварталлари ҳам шаҳарнинг бошқа районларидан ажралиб қолди. Шанба ва якшанба кунлари дам олиш учун шаҳардан чиқиб кетган кишиларнинг кўплари уйларига қайтиб келолмаётирлар.

Табиий офат муносабати билан мамлакатнинг бир қанча районларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Сув тошқини оқибатларини тугатиш учун шошилинч чоралар кўрилмоқда.

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Бразилиядаги Сеара штатида жуда кўп ёмғир ёғиб сув тошқинлари бўлганлиги натижасида икки минг нафардан кўпроқ киши бошпанасиз қолди, электр линиялари шикастланди. Йўлларни сув ювиб кетди. Кратеус, Тамборил шаҳарлари, шунингдек бошқа аҳоли пунктлари айниқса кўп шикастланди.

(ТАСС).

КУРАШ КУЧАЙМОҚДА

Францияда забастовка кураши тобора кенгаймоқда. Меҳнаткашларнинг ўз ҳаётий эҳтиёжлари учун олиб бораётган курашига турли завод ва фабрикаларнинг ишчилари қўшилмоқда. Хўжайинлар ва ҳукумат маъмурлари касаба союзларининг вакиллари билан жиддий музокаралар бошлашдан бош тортганликлари сабабли, бир қанча меҳнат можаролари жуда чўзилиб кетди. Ҳозир француз металлурглари ва металлистлари «ҳужумкор синфнинг» биринчи сафларида бормоқдалар.

Федерация бош секретари Жан Брето ТАСС мухбири билан суҳбатда айтдики, металлургия ва металл ишлаш саноати меҳнаткашлари қаттиқ курашиб, ўзларининг ҳаётий ҳуқуқларини сақлаб қолишга маҳкам бел боғладилар. «Рено» ва «Пежо» автомобилсозлик заводларидаги забастовкаларни бутун мамлакат меҳнаткашлари қўллаб-қувватламоқдалар. Лотарингиядаги қора металлургия корхоналарида, Сена ва Луара, Буш-дю-Рон департаментларидаги ва мамлакатнинг бошқа районларидаги металл ишлаш саноатининг заводларида ҳам ишчилар иш ташладилар.

Металлурглар ва металлистлар кураши, деди Ж. Брето, Францияда жуда хилма-хил категориялардаги меҳнаткашларнинг авж олиб кетган умуммиллий курашининг ажралмас қисмидир. Металлурглар ва металл ишлаш саноати меҳнаткашларнинг умуммеҳнат конфедерацияси ва меҳнаткашлар демократик федерацияси составидаги касаба союзлари ўз талабларини қувватлаб, 4 майда биргаликда ҳаракат қилиш кунини ўтказишга қарор қилдилар. Шу куни бутун мамлакатда қисқа муддатли забастовкалар, митинглар, йиғилишлар ўтказилади ва арзномалар имзолар тўпланади. Саноатнинг мана шу муҳим тармоғидаги меҳнаткашлар иш ҳақини тартибга солишни, пенсияга чиқиш ҳуқуқини берадиган ёшни қисқартиришни, харид қобилиятини гарантиялаб беришни, иш ҳафтасининг муддатини қисқартиришни ва янги миллий, коллектив шартномалар имзолашни талаб қилмоқдалар.

Бизнинг федерациямиз, деди пировардида Ж. Брето, ҳозир барча француз меҳнаткашлари билан бирга оммавий 1 Май намойишига ҳозирланмоқда. Биз барча металлургларни ва металлистларни бу намойишда жуда актив қатнашишга чақирмоқдамиз. Бу намойиш ишчилар синфининг мустаҳкамланиб бораётган бирдамлигини ҳамда ўзининг ҳаётий ҳуқуқлари ва касаба союз эркинликларини сақлаб қолишга маҳкам бел боғлаганлигини ифодалаб беради.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИГА СОВҒА

БУДАПЕШТ, 25 апрель. (ТАСС). Венгрия корхоналарининг коллективлари ўз мамлакатини қайта тиклашга киришган Вьетнам Демократик Республикаси халқига яхши совға тайёрламоқдалар. Улар ҳар йил 1.800 квартирани йиғиш учун етарли миқдорда қурилиш элементлари тайёрлаб берадиган учта уйсозлик заводига керакли комплект ускуналарни Вьетнам шаҳарларига совға қилиб тайёрлашга қарор бердилар. Шундай заводлардан биринчиси учун ускуналар ҳозир тахт қилиб қўйилди ва яқин кунларда Вьетнам Демократик Республикасига жўнатилади.

УЙ-ЖОЙ ТАНГЛИГИ

БОГОТА, 25 апрель. (ТАСС). Колумбияда уй-жой проблемаси тобора кескинлашмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, мамлакат пойтахтининг ўзидагина 200 минг квартира етишмайди.

Мамлакатнинг энг катта шаҳарларидан бири бўлган Медельинда 50 минг нафардан кўпроқ киши картон билан тунукадан қурилган кулбаларда кун кечирмоқда.

ЛИВАННИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

БАЙРУТ, 25 апрель. (ТАСС). Ливан президенти Сулаймон Франжье бош министр Амин Ал Ҳафиз бошчилигида 17 министрдан иборат янги ҳукумат составини тасдиқлади. Бош министр ўринбосари ва миллий мудофаа министри қилиб Фуад Ғонс тайинланди. Ташқи ишлар лавозими Ҳалил Абу Ҳамадада қолди. Ички ишлар министри қилиб Башир Ал Авар, экономика министри қилиб Баҳиш Таббара тайинланди. Фуад Нафаа молия министри бўлиб қолди.

Шундай қилиб, шу йил 10 апрелда Исроилнинг Ливанга қилган ҳужумидан кейин Соиб Салом бошлиқ ҳукумат истеъфо берганлиги натижасида юз берган ҳукумат танглиги тугади.

Жанубий америкаликлар ўртасида қамишдан қайиқлар ясаш узоқ йиллардан бери одат тусига кирган. Суратда: перуликлар жаҳоннинг энг кенг дарёларидан ҳисобланган Амазонка бўйлаб қамишли қайиқларда сайр қилишапти.

Камера Пресс — ТАСС фотоси.

ЮЛДУЗЛАР ШОДАСИ

Суратда (чапдан) Ҳалима Носирова опа-сингил Клара, Роза, Офелия ва Фотималар даврасида. И. Глуберзон фотоси.

САНЪАТКОРЛАР ОИЛАСИДАН РЕПОРТАЖ

Табиатнинг эҳсонлари, эзгу туҳфалари мўл. Субҳидамлар гуллар кўксида инжулардай титраган шабнам, гуллар кокилини тортқилаб, эгиб уларга одоб дарсини ўргатувчи боди сабо, тоғлар тоши устида тонг отиб, ғунчалардан тугун кўтарган чечаклар биздан нима сўрайди? Фақат ҳайрат сўрайди, холос. Ҳа, ҳайрат. Биз ҳайратлар, ҳаяжонлар, ширин туйғулар ичида бўлмасак, мўъжизалар, гўзал санъатлар ато этолмасдик.

Бир оила чаманида ўтириб рақс, музика, қўшиқлар сеҳридан масрур бўлганингизда нимани хаёлга келтирардингиз? Мен беихтиёр ойни, юлдузлар шодасини эсладим. Бутун бир санъаткорлар сулоласи, плеядасига ҳомийлик қилган, улар юрагида санъатга муҳаббат туйғуларини авайлаб камолга етказган мураббий — Ҳалимахоним Носировадир.

Биз ана шу санъаткорлар сулоласидан ташкил топган юлдузлар шодаси Ҳалимахонимлар оиласи даврасидамиз. Ҳар бири ўзига хос латофат, жозиба сеҳрига, мафтункор санъат оламига эга бўлган опа-сингиллар Роза, Клара, Фотима, Офелия Юсуповаларнинг ҳаёт, изланиш, истиқбол йўлларига назар ташлар эканмиз, бу йўлларнинг ибтидосидан нитихосигача Ҳалимахонимни учратамиз. Катта санъаткорлар сулосасининг шаънига, довруғига, иқтидорига, порлоқ келажагига замин қурган, уларнинг ҳар бирини санъат дорилфунунига етаклаб келган Ҳалимахоним ҳақида то ҳануз ҳаяжонланмасдан қалам тутиб бўлмайди.

Ҳалимахоним ўзбек профессионал санъатимизнинг илк қалдирғочларидан, асосчиларидан бири, ўзбек совет театри санъатига пойдевор қўйганларнинг бири. Социалистик қурилишимизнинг, буюк беш йилликларнинг дастлабки даврларида, Катта Фарғона канали қурилишларида, меҳнат симфониясини яратган шунчилар, қурувчилар сафида у бор эди. Ўша кезлар «Меҳнат аҳли» катта ашуласини умуман унинг овозини граммофонда, пластинкаларда илк бора эшитганлар қўшиқ оламига мафтун бўлганлар, санъаткор аҳлига меҳр қўйдилар.

Ҳалимахоним ўз қўшиқлари билан инқилоб жангчиларининг сафларида кезди. У энг азиз, энг ўтли туйғуларда ифодаланган қалб сўзларини қўшиққа жойлаб бўронли, суронли йўллардан олиб ўтди. Улуғ Ватан уруши йилларида, окопларда, жанг майдонларида унинг қўшиқлари жангчи юрагига малҳам бўлди, ғалаба сари чорлади.

Ўзбекистондан биринчи бўлиб Кавказ фронтига концерт бригадаси билан борган Ҳалимахонимни жангчилар интизорлик, соғинч билан қарши олдилар. Ўзбек қизининг овози фронт бўйлаб янгради:

— Мен ўзбек қизиман, қалбда аланга.

Шарқдан қуёш бўлиб чиқдим оламга.

Элларни чулғайди бахтли овозим,

Миллион қалблар жўр бўлади озод оҳангга.

Тинчлик истар оналар,

Тинчлик истар ёш болалар,

Тинчликдир муҳаббат,

қўшиғимизда,

Тинчлик учун курашинг,

азиз жангчилар!

Жангчилар қўшиқ тинглаб, мардонавор жангга кирдилар. Қўшиқ тинглаб, шаҳарларни озод қилдилар.

Ҳалимахоним ўзбек халқ классик қўшиқларининг ҳам устасидир. Қўшиқ санъатини севишни у отаси Носир акадан ўрганган:

— Отам эски гилам устига ўтириб олиб, бошини тебратиб хониш қиларди. Унинг кўзлари юмуқ, ёноқларидан ёш маржонлари оҳиста сизарди... — деб эслайди опасини у.

Ҳалимахонимнинг юзини юрагига муҳрланиб қолган ўша қўшиқ балки Навоийдан, балки Лутфийдан, балки Муқимийдандир. Лекин ҳар гал у «Ушшоқ»ни, «Қора кўзим», «Чоргоҳ» ва классик шашмақомларни айтганида, негадир опасини, ўша сонияни эслайди. Ёниб ижро этилган қўшиқ тингловчи юракларга ҳам чўғ олиб кирмай қолмайди.

Ҳалима опа Козловский билан ҳамкорликда яратган «Узганча тановар» қўшиғи чет элларда ҳам машҳур. У фақат ўзбек қўшиқларинигина эмас, қардош халқлар қўшиқларининг ҳам профессионал ижрочисидир. Рус, қозоқ, қирғиз, озарбайжон, тожик қўшиқларини биринчи бўлиб ижро этган ҳам Ҳалима опамиздир. «Қозоқ вальси», «Москва оқшомлари» ,озарбайжонча «Севмасдим сени», татарча «Ҳаволарда юлдуз», «Монголча вальс» тожикча «Хушонзамон» шулар жумласидандир. У афғон, араб қўшиқларини ҳам юқори мусиқийликда ижро этган.

Хайкалтарош ўз ҳайкали билан санъат оламида боқий қолади. Боғбон яратган боғи билан, шоир ўз тасаллари билан, Ҳалимахоним ўзи яратган ажиб қўшиқ олами—овози, қўшиқ достонлари билан боқий қолади. Мен Ҳалима опамнизнинг қўшиқ яратиш истиробларини билан ошно бўлганман. Таъбир жоиз бўлса, уни шоира дер эдим. Негаки, шоир бир ғазал, бир байт дардида, унинг хижоси, вазни, қофияси ҳаёлида тунни тонгга улайди. Шоир юракка йўл излайди, қўшиқлар устаси ҳам шундай...

Уни севганлар жуда кўп. Уни саҳнада кўриб, раднода тинглаб ҳавас қўйганлар ҳам кўп. Баъзан шундай ҳам бўлади. Севасиз, сўнг ихлосингиз қайтади. Негаки, у севган санъаткорингиз ҳурматингизга лойиқ бўлмай қолади, халқни менсимай қоладиганлари ҳам бўлади. Ҳалима опадаги ўткир салоҳият шуки, уни ҳеч ёмон кўриб қолмайсиз. Нега? У ўз санъатига, халқига гард юқтирмайди. Санъаткор шаънини, эл-юрти шаънини мужгонлари устида тутиб, покиза сақлаб келаяпти. У ҳаётда ҳам самимий, тўғри сўз, содда, дилкаш, инсоф, ана.

Ҳалимахоним ўзбек опера санъатимизнинг ҳам асосчиларидан биридир. 1939 йили опера театри санъатининг биринчи саҳифаси очилди. Ана шу биринчи саҳифалар Ҳалима опанинг ижрочилиги билан очилди десак, хато бўлмас. Ҳалимахоним овози диапазонининг кенглиги, кучлилиги шундаки, классик ашулаларни ижро этиб келган ижрочи бирданига операда ҳам ариялар ижро эта олди. Опера санъатимиз қанчалик равнақ топган бўлса, қанчалик камолга эришган бўлса, бунда, шубҳасиз, Ҳалимахонимнинг улкан ҳиссаси бор.

У қатор музикали драмаларда севимли образлар яратди. У яратган Майсара, Зайнаб, Кларичё, Турондот, Ҳалима, Периколо, Гулсара ва бошқа қатор образлар актёрлик мактаби бўлди.

Кўпгина ёшлар санъатга, театрга интиладилар. Бадиий ҳаваскорлар тўгаракларидаги талантларнинг ҳисобига етиш қийин. Ҳалимахоним репертуарини ўрганиб, севиб айтаётган ҳаваскорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Ҳалима опа қатор шогирдларга устоздир.

У чин маънои билан халқ санъаткори. Унинг муҳлислари ҳар жабҳада, ҳар юрт, ҳар соҳада кўплаб топилади. Ҳалима опанинг хотира кўзгусида жуда кўп яхши истеъдодлар, санъат муҳлислари, шунингдек санъат усталарининг номлари ўчмас бўлиб қолган. У устозлари Козловскийни, Успенский, Мушель, Т. Жалилов, Яблонскийни ва сафдошлари Назира Аҳмедова, Мухиддин Қори Ёқубов, Марусяхоним, Бобораҳим Мирзаевларни ҳурмат билан эслайди. Биринчи шогирди Софияхон Тўйбоевани хотирга олади. Ойша опасининг қизлари Клара ва Роза, Офелия Юсуповаларга қараб гурури ичига сиғмайди. Фотимахоннинг рақсларидан қувнайди. — Уларнинг муваффақиятлари мени руҳлантиради, — дейди Ҳалима опа.

Ҳалима опа ўзи яратган энг севимли образлари —Майсара, Раъно, Моҳин, Лайли, Норсулни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Роза Юсуповага ўргатди. Унга узоқ йиллик тажрибалари, саҳна маданиятининг сирлари ҳақида сўзлаб берди. Роза Юсупова ижросидаги қатор партиялар Ҳалима опа кўмагида пишиб етилди, ниҳоят томошабинга тақдим этилди. Эндиликда Р. Юсупова тембр овозга эга бўлган истеъдодли актриса, у саҳнада талай ёркин образларни яратди. Шу билан бир қаторда у Ҳалима опанинг севимли дублёри ҳамдир. Майсара образини бир гал Ҳалима опа яратса, иккинчи гал Роза опа яратса, иккинчи гал Роза опа ўйнайди. Ҳалима опанинг санъаткор оила аъзоларидан яна бири Ўзбекистон халқ артисти, севимли раққоса Клара Юсупова. Клара Юсупова ҳам миллий, ҳам классик рақслар устасидир. У маҳорат билан ижро этган «Ларзон», «Хоразмча», «Помирча», «Занг», «Тоғли бадахшон» ўйинлари рақс севарларнинг ҳам севимли репертуарига айланган. Клара Юсупова Бухарестда бўлиб ўтган халқаро студент ёшлар фестивалида шу миллий рақслар бўйича иккинчи ўринни олди. У балетда ҳам ўз услубига эга. Унинг ижросидаги Китри («Дон Кихот»), Ўгай она («Золушка»), Лўли қиз («Севги тумори») партиялари айниқса балет мухлисларини мамнун этди.

Клара Монголия, Ҳиндистон, Африка, Голландия, Жанубий Америка, Канада ва бошқа жуда кўп мамлакатларда бўлиб, миллий рақс санъатимизнинг довруғини таратди.

Офелия Юсупова музика оламининг малакаси, У биринчи ўзбек пианиночисидир. Офелия — солист-пианиночи, педагог, жўр бўлувчидир. Унинг ижросидаги, талқинидаги Шопен, Раҳманинов, Скрябиннинг куйлари тингловчи қалбини эркалайди, ўтли туйғулар оғушига етаклайди. Офелия аспирантурани тамомлаб, ҳозир Тошкент консерваториясида доцент вазифасини бажарувчи катта ўқитувчидир.

Фотимахон миллий рақслар бўйича танилди. У ўз санъатининг устаси сифатида колхоз, совхоз, меҳнаткашлари, қардош республикаларнинг меҳнат аҳли орасида кўпроқ бўлади. Москвада бўлиб ўтган халқаро ёшлар фестивалининг лауреати. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фотимахон ижросидаги «Гулноз», «Бухороча», «Завқим келур», «Най ялласи» ўйинларини халқимиз севиб томоша қилади. У ўн йилдан буён Тошкент хореография билим юртида педагог. Халқ филармониясида мураббий.

Ҳалима опанинг жияни — Элёр Носиров театр ва рассомчилик институтида таҳсил кўрмоқда. Яна бир жияни Чаман Носирова Тошкент консерваториясини тамомлади. Пианиночи. Невараси — Гулмира ҳам энг ёш пианиночи.

Бу санъаткорлар оиласи даврасида бир сония бўлган кишининг дилида ғубор қолмайди. Негаки, ўз бахтидан, санъатидан мамнун опа-сингилларнинг кўлида давр тутқизган ҳаётбахш соз бор. Бу соз ҳар қандай юракка ўт солади, алалайди, ғўзалликларга чорлайди.

Ҳали айтилмаган қўшиқлар, чалинмаган созлар бор. Юлдузлар шодаси яна кўпаяди.

Эътибор ОХУНОВА.

Спорт. Спорт. Спорт.

Кетма-кет уч ғалаба

Чирчиқ шаҳрида давом этаётган волейболчилар мусобақаси ҳам тугади. «А» класси биринчи лига командаларининг мамлакат чемпионатидаги жуфловчи тўртинчи тур ўйинларида Тошкентнинг «Динамо» командаси кетма-кет уч ғалабани қўлга киритди. Ҳамшаҳарларимиз Тбилисининг «Буревестник» коллективини 3:2 ҳисобида, Ереван динамочиларини 3:0, Бокунинг «Маҳсул» командасини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Лекин кейинги учрашувларда республикамиз вакиллари имкониятларни бой бердилар. Грозний шаҳрининг «Спартак» командаси билан 0:3 ва Фрунзенинг уйсозлик комбинати волейболчилари билан учрашув 2:3 ҳисобида тугади.

Мамлакат чемпионатидаги 22 учрашувдан кейин тошкентликлар 11 очко тўпладилар ва олтинчи ўринни эгалладилар.

А. Юдиннинг ҳиссаси

Узбекистонлик таниқли велосипедчи Александр Юдин ўз маҳоратини яна бир марта намойиш қилди. Халқаро класслн спортчимиз совет терма командаси составида жаҳон биринчилиги мусобақаларига қизғин ҳозирлик кўряпти. Ана шу мусобақалар олдидан Парижда ўтказилган кўп кунлик велопойгада А. Юдин мамлакатимиз терма командасининг муваффақиятига муносиб ҳисса қўшди. У пойганинг хал қилувчи босқичида 150 километрлик масофани уч соат 49 минут 51 секундда босди.

Жаҳон рекордидан юқори

Львов шаҳрида мерганларнинг Бутуниттифоқ мусобақаси ўтди. Унда ДОСААФчилар — касаба союз кўнгилли спорт жамиятларининг терма командаси ғолиб бўлди. Мусобақада Г. Лушчиков (Белговешченси), С. Старинский (Белоцерковь), А. Булгаков (Полтава) ва тошкентлик нишонга олиш устаси С. Рибченюлар уч машқда 240 отишмадан 2240 очко тўплашди. Бу, мамлакатимиз спортчилари рекордидан 11 очко ва жаҳон рекордидан 13 очко ортиқдир.

Дастлабки босқичда

Челябинск шаҳрида СССР кубоги учун гимнастикачиларнинг мусобақалари бўлпти. Мусобақалар икки босқичда ўтказилади. Дастлабки босқичда хотин-қизлар ва эркаклардан иборат 48 нафар гимнастикачи иштирок этади. Кубокни қўлга киритиш учун якунловчи нураш — финал мусобақалар кузда Тбилиси шаҳрида ўтади. Финалга йўлланма олиш учун гимнастикачилар мусобақасининг дастлабки босқичи — мажбурий программаси бўйича айрим натижалар маълум бўлди. Москвалик С. Диамидов, Г. Богданов, В. Тетель эркаклар мусобақасида мукофотли ун ўринни эгалладилар. Хотин-қизлар орасида эса тошкентлик Эльвира Саади, минсклик А. Кошель, чимкентлик Н. Ким яхши маҳорат кўрсатишди.

ЛЕНИНГРАДДАН ХАТ

СЕРҚУЁШ ДИЁР РАССОМИ

Ленинград бадиий академияси залида мамлакатимиз рассомчилик олий ўқув юртлари студентлари диплом ишларининг анъанавий кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазмадан 600 дан ортиқ турли мавзудаги асарлар ўрин олган. Бу ерда харьковлик монументалчилар, Бутуниттифоқ Давлат кино институти студентларининг театр-боп эскизлари ва тошкентлик дипломантларнинг ишлари катта муваффақият қозонмоқда.

Москва, Ленинград, Киев, Тошкент ва Самарқанд рассомчилик олий ўқув юртлари битирувчиларининг Октябрь революцияси, Улуғ Ватан уруши, бизнинг замондошимиз, улкан қурилишлар ва қишлоқ меҳнаткашлари ҳаётини акс эттирувчи асарлари томоша бинларда яхши таассуротлар қолдирмоқда.

Ленинградлик танқидчилар ва санъатшунослар тошкентлик ёш рассом Л. Муллажоновнинг «Ўзбек хотин-қизлари» диплом ишига юқори баҳо бердилар. Таниқли танқидчи Дмитрий Молдавский Муллажонова чизган расмни завқ билан томоша қилар экан: «Муллажонова — серқуёш диёр рассоми» — деб таъкидлади.

Р. СОБИТОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.40 Мультфильм. 18.50 — Цирк томошалари. 19.25 — Биринчи майга меҳнат рапортлари. 19.40 — «Ахборот». 19.55 — Жангговар постда. 20.15 — Нафосат оламида. 20.45— «Ахборот». 21.00 — Мирзачўл— мардлар маскани. 21.30 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Сенинг остонангда (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.10 — Қумуш карнайлар (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 18.50 — Хоккей: «ДИНАМО» — ЦСКА. 19.30 — Музикали кўрсатув. 19.50 — Телефильм. 20.50 — Бадиий фильм. 22.00 — Мардлик—мангулик (Тошкент). 22.30 — Хоккей: «Крылья Советов — «СПАРТАК». УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ҳунармандлар фильм, 20.05 — Классик музика саҳифаларида. 20.35 — Оддий нисон. (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/IV да «МОСКВА» сатира театрининг гастроллари.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 27/IV да Мирзо Улуғбек.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/IV да Ҳалима.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Вильнюс» Литва цирки артистларининг гастроллари.

КИНО

Кўзгу — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 3, кеч соат 7, 9 да), «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ПИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Бомбайдин нуёш — «СПУТНИК» (кундуз соат 12, 1, 4, 5 да кеч соат 8 да), ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11.30, кундуз соат 2.30, 5.30 кеч соат 8.30 минутда).

Олимпия машъали — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 кеч соат 9.30 минутда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 3 да).

Прокурорнинг ўғли — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3.30, кеч соат 6.30 минутда).

Севги ва ўлим — «МОСКВА» (эрталаб соат 11.30, кундуз соат 1, 5.30, кеч соат 7 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Далиллар керак; Кўзгу — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз соат 1, 4, кеч соат 7, 9.40 минутда).

Сангам — «МОСКВА» (кундуз соат 2.30, кеч соат 8.30 минутда).

Лаутарлар — «ВОСТОК» (кундуз соат 5, кеч соат 8 да).

Сайха — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10.40, кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.30, 9 да).

Тилла зирак — «ҚЎҚЧА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 2, 5, кеч соат 8 да).

Муҳаббат ҳалқаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Петр Рябинкин — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда, кундуз ва кеч қурун).

ЭЗГИ БИНОДА

Малиновкадаги тўй — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 8.30, 10.20 да).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

29, 30 апрелда Баҳор байрам тароналари

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Соиб Хўжаев, Турсуной Жалфарова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Гулшод ОТАБОЕВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Муҳаббат Шамаева, Вилоят Оқилова, Қизлархон Дўстмуҳамедова;

Бутуниттифоқ санъатчилар конкурсининг дипломантлари: Дилафруз Жабборова, Қодир Мўминов;

СОЛИСТЛАР: Фахриддин Умаров, Бахтиёр Холхўжаев, Илёс Маллаев, Ғуломжон Ғофуров, Абдуллажон Ғофуров, Назира Шералиева, Рашида Раҳимова, Хотам Хожиев, Роза Канурнева.

УЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ҳаким Ниёзов.

ПРОГРАММАНИ — Уткир Сиддиқов олиб боради.

Концерт неч соат 7 да бошланади.

Билетлар «Юбилей» спорт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

ОИЛА ДАВРАСИДА МУТОЛАА

ЛУҚМОН ДАРМОНИ

Дарахтлар гуллади, ариқларга сув келди. Қулоққа қушларнинг чуғур-чуғури-ю, сувнинг шилдир-шилдир оқиши хуш ёқади. Модомики шундай экан, Муқимий ҳақ гапни айтган. Вақтни бой бермай, боғ-роғларда сайр қилайлик, суҳбат қурайлик. Чунки баҳор фасли — наврўзи оламнинг бир қатор табиий шифобахш хусусиятлари ва фазилатлари бор. Араблар дори-дармон ичганингдан кўра, соф ҳавода бўлганинг афзал, — деб бечиз айтмаганлар. Боғ-роғлар ҳавоси организм учун зарарли кимёвий нарсалардан мутлоқ ҳоли бўлибгина қолмай, айни чоғда димоғ ва нафас учун матлуб, муаттар ва укфори (ҳидлари—фитонцидларга бой. Соф ҳаводан бахраманд бўлиш организмни бамисоли тоза кислород билан чайиш демакдир. Натижада кишига ранг югуради, чеҳраси очилиб, истараси иссиқ бўлади.

Баҳорнинг соф ҳавосида организм учун ниҳоят фойдали ультрабинафша нурлар мўл-кўлдир. Бу нурлар таъсирида тери астасекин чиниқиб, қорая бошлайди. Организмнинг ҳимоя воситалари фаоллашади. Модда алмашинуви яхшиланади, иш қобилияти ошади. Кишкнинг кайфи чоғ, умумий аҳволи эса соз бўлади.

Ультрабинафша нурлар фитонцидлар каби микроб ва вирусларни ҳалок этади ёки чала жон қилади. Натижада киши баданида витамин «Д» ҳосил бўлади. Бинобарин, киши рахитдан хийла нари юради.

Баҳорда киши сув ҳавзаларидан ва оқар сувлардан бахраманд бўлади. Сув— мукаддас. Кейинги пайтда сувнинг бошида туриб, сувсиз қолганлар бўляпти. Масалан, Канада ва АҚШда сув манбалари ифлосланганлиги учун тоза сувни аҳоли магазинлардан сотиб оляпти.

Ёмғир ёғса кекса ва табиатнинг марҳамати дея хурсанд бўлишади. Баъзи қалби ўт ёшлар ечиниб олиб, ўзларини ёмғирда тоблашади. Чунки совуқ ёмғир баданни енгил ва тетик қилади. Аввало, асаб тинчланади, қон босими нормаллашади, ўпканинг бутун сатҳи нафас олади. Юрак жўшқин уради, оқсат яхши ҳазм бўлади. Чиниққанга чанг юқмас, деб шуни айтадилар-да!

...Бетоб ва дармонсизлар, мажруҳ ва кекса ва кекса ларга баҳорнинг шифобахшлигидан оқилона фойдаланиб қолишлари керак. Уй, дераза ларини ланг очиб, ҳавосини тозалаб туриш билан бирга, кроватни дераза олдига қўйиб, соф ҳаво, ёқимли шабада ва ёмғир ёғишидан бахраманд бўлиш лозим. Шунда завқ ортади, баҳри-дил кулфдек очилади. Завқ-шавққа тўлиш, оҳиз ёки беморнинг ҳурсандлик, умумий ҳаракатга интилиши — соғайишнинг бошланишидир. Баҳорда ҳар бир организм, айниқса, беморлар ва кексаларда табиий витаминларга эҳтиёж кўпроқ сезилади. Айниқса, ялпиз, кашнич, саримсоқ, укроп, кўк пиёз, сабзи, шолғом, лавлаги ва бошқалар фойдалидир. Баҳорнинг шаффоф ҳавосидан тортиб, ёмғиригача, қушларнинг навоси-ю, кўкатигача образли қилиб айтганда лукмон дармокидир. Энг муҳими, атеросклероз яъни эрта қаришнинг аъло давосидир. Бундан ташқари қариялар азиятли қабзиятдан қутиладилар.

Кексалар баҳорда шафтоли гулидан ва сути ҳали қотмаган довучадан баҳам кўриб, жуда тўғри иш қилишади. Келинг, яхшиси наврўзи олам-баҳор фасли нознеъматларидан баҳраманд бўлайлик.

З. ЭГАМБЕРДИЕВА,
медицина фанлари кандидати.

ГУЛИСТОН. (ЎзТАГ). Жазирама Жиззах даштида атрофи нов канал билан ўралган боғ пайдо бўлди. Бу Энгельс номли колхоз пахтакорлари учун қуриб берилган янги дала шийпонидир. Пахтакорлар бу йил биринчи марта Жиззах массивининг янги ерларига чигит экдилар. Боғдаги бинонинг бир қанча хоналари мавсумий болалар яслисига ажратилган. Бу ерда қизил бурчак — қироатхона, дам олиш хоналари мавжуд. Шундай ёнгинасида чойхона ҳам бор.

Қўшни «Коммунизм», Ҳ. Олимжон номли, «Москва» колхозларининг бригадаларида яна бир қанча шунга ўхшаш дала шийпонлари қад кўтарди. Жиззах районининг бошқа хўжаликлари ҳам янги дала шийпонлари қурмоқдалар. Дала шийпонларини колхозлараро қуриш бошқармасининг коллективи қуриб бермоқда.

Мирзачўлни ўзлаштиришнинг янги зонасидаги совхозларда ҳам типовой лойиҳали шинам дала шийпонлари бунёд этилмоқда. Бу ишда Жиззах ва Янгиер биноқорлик материаллари комбинатлари хўжаликларга катта ёрдам бермоқдалар. Улар деворбоп паналлар, шиплар, дераза ва эшик блоклари, бошқа деталлар тайёрлаб бермоқдалар. Уй-жой қисмларга ажратилган ҳолда далага олиб келинмоқда. Уларни йиғиш ва пардозлашга атиги бир неча кун кетади. Апрель ойининг ўзидагина шу метод билан совхозларда 25 та дала шийпони қурилди. Ҳосил йиғим-терими бошлангунга қадар янги совхозларда қурилган шинам дала шийпонлари уч баравар ортади.

Область комсомол ташкилотлари дала шийпонлари қурилишини оталиққа олдилар.

ДАЛА ШИЙПОНЛАРИ

ИЖОДКОР ЁШЛАР

Республикамиз педагогика олий ўқув юртлари студентларининг ана шу илмий-назарий конференцияси ёшларнинг ижодкорлиги, изланувчанлигига катта кўрик бўлди. Дастлабки куни Узбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари И. Раҳмонов «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш борасидаги тадбирлари тўғрисида» доклад қилди. Шундан кейин минбарга Самарқанд Давлат педагогика институти рус тили ва адабиёти факультетининг 1 курс студенти Г. Шокирова кўтарилади. У ўз докладини партиямиз XXIV съезди қарорлари асосида студентларнинг ғоявий-сиёсий тарбияси масалаларига бағишлади.

Республика студентларининг бу катта анжуманида 27 секция ишлади. КПСС тарихи, фалсафа, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, психология, физика, ботаника, зоология соҳасида бўлажак педагоглар қанчалик назарий билимга эга эканликларини намойиш қилдилар. Ўзбек тили, рус тили, ўзбек адабиёти, тожик тили ва адабиёти каби фанлар бўйича ташкил қилинган секцияларда бугунги ёшларимизнинг фаоллиги айниқса ярқ этиб кўринди. Секцияларнинг машғулотларида студентлардан бухоролик Л. Саидова, тошкентлик А. Хотамова, фарғоналик М. Маматқулов, самарқандлик Х. Насруллаева, андижонлик Н. Парпиевларнинг докладлари актуаллиги ва мазмундорлиги билан эътибор қозонди.

С. Айний номли Самарқанд давлат педагогика институти ҳовлиси, аудиторияларини ва фан кабинетларини Андижон, Фарғона, Қўқон, Қарши, Наманган, Бухоро, Сирдарё, Қорақалпоғистон АССР, Тошкент, Хоразм йигит-қизлари айланиб чиқиб, катта залга тўпланишди. Бу ерда республика педагогика олий ўқув юртлари студентларининг тўртинчи илмий-назарий конференцияси бўлди. Конференция Узбекистон ССРнинг 50 йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон ССР Театр жамияти правленнеси Ўзбекистон ССР Маданият министри А. М. Қўчқоровга онаси

Нурихон МАРАСУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ ТУЗАТИШИ

Республика саноатида давлат планининг 1973 йил биринчи кварталида бажарилиш якунлари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР Марказий Статистика бошқармасининг 24 апрелда эълон қилинган ахборотидаги маҳсулотни реализация қилиш планн ҳамда саноат ишлаб чиқаришини ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини ифодаловчи 2-жадвалдаги маълумотлар қуйидагича тузатиб ўқилсин:

Фарғона области бўйича 94-ўринга 107, Хоразм области бўйича, 110 ўринга 94, Тошкент шаҳри бўйича 109 ўринга 110 процент.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР вәлонлар — 338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 99. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 01383.